

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:330.341.44:658.01(575.1)

ЖУМАЕВ РАҲМИДДИН МЕҲРИДДИНОВИЧ

**Таркибий ўзгаришлар шароитида монополияга қарши бошқарув
муаммолари ва уларни бартараф этиш йўллари**

**5A230108 - “МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ БОШҚАРУВ ВА РАҚОБАТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ”**

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган**

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар:
И.ф.д., проф. Ходиев Б.**

ТОШКЕНТ-2013

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I-боб. Ўзбекистон Республикасида таркибий ўзгаришлар шароитида монополияга қарши бошқарувнинг назарий асослари.....	9
1. Монополияга қарши бошқарувни тартибга солиш моҳияти.....	9
2 Монополияга қарши бошқарувнинг ҳуқуқий асослари.....	20
3 Монополияга қарши самарали тартиботларни амалга оширишнинг хориж тажрибаси.....	27
II-боб. “Ўзбекэнерго” ДАК фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш таҳлили.....	34
1. “Ўзбекэнерго” ДАК фаолиятининг бошқарув стратегияси таҳлили.....	34
2 “Ўзбекэнерго” ДАК инвестицион барқарорлиги таҳлили	42
3 “Ўзбекэнерго” ДАК нинг иқтисодий фаолияти таҳлили.....	48
III-боб. Таркибий ўзгаришлар шароитида монополияга қарши бошқарув муаммолари ва уларни бартараф этиш йўллари.....	61
1 Монополияга қарши бошқарув муаммолари.....	61
2. Таркибий ўзгаришлар шароитида монополияга қарши бошқарувни такомиллаштириш.....	67
Хулоса	77
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	81

КИРИШ

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Замонавий иқтисодий тизимнинг мувозанатлашган барқарор ривожланишида инфратузилма соҳалари муҳим роль ўйнайди. Улар ишлаб чиқариш ва хизматлар соҳаси, истеъмолчилар ҳамда алоҳида ҳудудлар ва иқтисодий марказлар ўртасида боғловчи бўғинбўлиб хизмат қилади. Инфратузилма тармоқларининг асосий қисмини табиий монополиялар ташкил этади. Яқин вақтларгача миллий иқтисодиётда монополиялар, хусусан, табиий монополиялар амал қилишининг чуқур таҳлили амалга оширилмади. Монополиялар ва монопол механизмларнинг, уларнинг алоҳида турлари ва амал қилиш тартибининг мазмунини назарий жиҳатдан янада аниқлаштиришга эҳтиёж пайдо бўлди. Мазкур эҳтиёжларнинг мавжудлиги табиий монополияларни самарали тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш зарурияти билан белгиланади.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов рақобатнинг бозор иқтисодиётидаги аҳамиятини кўрсатиб, 2012 йилда Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида таъкидлаб ўтади: “Бугунги вазият ўтган йиллар мобайнида инқирозга қарши курашиш борасида тўплаган тажрибамизга суяниб, мамлакатимизни ривожлантириш, ислоҳ этиш ва янгилаш бўйича эришган суръатларни бой бермаслик учун мавжуд ресурс ва имкониятларни сафарбар этишни талаб қилмоқда. Ана шу вазифадан келиб чиққан ҳолда, 2013 йилда изчил юқори ўсиш суръатларини, макроиқтисодий барқарорликни сақлаш ва иқтисодиётимиз рақобатдошлигини ошириш энг муҳим устувор йўналишимизга айланиши даркор”¹.

¹ Каримов И. Бош мақсадимиз — кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. // Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь. 1-бет.

Республикада ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг муҳим жиҳати шундаки, улар табиий монополия субъектларининг маҳсулотлари ва хизматларидан сифатли ҳамда кафолатли фойдаланиш, маҳсулотлар нархларининг муқобиллигини таъминлаш, истеъмолчилар эҳтиёжларини тўлароқ қондириш орқали макроиқтисодий кўрсаткичларни ўстиришга қаратилгандир. Бу эса ўз навбатида, давлат томонидан йирик табиий монополиялар фаолиятини таркибий ўзгартириш ва ихчамлаштириш ҳамда рақобат муҳитини яратишга йўналтирилган комплекс тадбирларни амалга оширишни тақозо қилади.

Мамлакатимизда монополияга қарши сиёсат олиб бориш натижасида сўнгги 10 йил мобайнида монополист корхоналар сони 3,5 баробар, монопол маҳсулотлар тури эса 26 баробар қисқарди. Фақат 2009-2012 йиллар давомида ялпи ички маҳсулотнинг умумий ҳажмида монопол маҳсулотлар улуши 26,0 фоиздан 21,0 фоизга тушди. Шу билан бирга, арим тармоқларда иқтисодиётнинг монополлашуви асоссиз равишда юқори даражада сақланиб қолаётгани ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигининг ортишига, нархларнинг пасайига ҳамон тўсқинлик қилмоқда.

Монополияга қарши бошқарувнинг ўтган йиллар мобайнида ЯИМ даги улуши 12,36 фоизни ташкил этган, жумладан, саноат тармоқлари бўйича маҳсулот ҳамда истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, жумладан, 2012 йилда электроэнергетика 1718,7 млрд. сўм, ёқилғи 3288,4 млрд. сўм, кимё ва нефт- кимё саноати 887,6 млрд. сўм, машинасозлик ва метални қайта ишлаш 2755,8 млрд. сўмни ташкил қилди. Бу эса республика иқтисодиёти учун ижобий натижадир.

Иқтисодиётнинг барқарор ривожланишида табиий монополиялар таъсири сезиларли. Аммо шунга қарамай, улар фаолиятининг иқтисодий мазмуни, амал қилиш хусусиятлари ва тартибга солиш муаммоларини тадқиқ қилишга бағишланган илмий тадқиқотлар етарли эмас. Табиий монополиялар

фаолиятини тартибга солиш ва бошқариш орқали иқтисодиётда рақобат муҳитини кучайтириш масалаларини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳамда бу борадаги муаммоларни ҳал этишга қаратилган илмий-амалий таклифларни² ишлаб чиқишнинг муҳимлиги тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Шундай қилиб, тадқиқот мавзусининг долзарблиги ҳозирги шароитда монополияга қарши бошқарувнинг амал қилиш сабаблари ҳамда миллий иқтисодиётда фаолият кўрсатиш тартиби назарий асосининг етарли эмаслиги; монополияга қарши бошқарувнинг иқтисодий жараёнлар глобаллашуви шароитидаги аҳамиятини аниқлаш зарурияти; бутун иқтисодиёт самарадорлигини оширишга қаратилган монополияга қарши бошқарувни тартибга солиш механизмларини асослашнинг муҳимлиги билан белгиланади.

Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши. Тадқиқот объектини “Ўзбекэнерго” ДАКнинг хўжалик юритиш фаолияти ва бошқарув тизими ташкил этади. Тадқиқот предмети бўлиб республика электр энергетика тизимини бошқариш, уни ташкил этиш жараёнларидаги иқтисодий муносабатлар ҳизмат қилади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари таркибий ўзгаришлар шароитида монополияга қарши бошқарув муаммоларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш, Ўзбекистонда давлатнинг монополияга қарши бошқарув сиёсати ва уни ривожлантириш ҳолатини илмий тадқиқ этиш, корхоналарда рақобат муҳитини ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқишнинг назарий жиҳатларини ёритиш ҳисобланади . Монополияга қарши бошқарув тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган назарий таклиф ва тавсиялар

²Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси 2012 йил. 17-18 бет

ишлаб чиқиш ҳамда уни амалиётга тадбиқ этиш асосларини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари мавзунинг долзарблиги ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Таркибий ўзгаришлар шароитида монополияга қарши бошқарув тизимини такомиллаштиришнинг назарий асосларини ўрганиш;
- монополияга қарши бошқарувнинг иқтисодий хусусиятларини белгилаш;
- “Ўзбекэнерго” ДАК фаолиятининг бошқарув стратегияси таҳлили;
- “Ўзбекэнерго” ДАК инвестицион барқарорлиги таҳлили;
- “Ўзбекэнерго” ДАК нинг иқтисодий фаолияти таҳлили;
- давлатнинг монополияга қарши бошқарув тизимини асосий йўналишларини таҳлил этиш;
- корхоналарда рақобат муҳитини ривожлантириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;
- монополияга қарши бошқарув тизимини ривожлантириш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Монополияга қарши бошқарувнинг назарий, услубий асослари, бошқариш моделлари ҳамда ривожланишини бошқариш стратегиясининг илмий тадқиқот этилиши бошқариш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Монополияларнинг иқтисодий моҳияти ва уларни тартибга солиш соҳасидаги муаммоларни очишга қаратилган айрим назарий - услубий ва амалий жиҳатлар бозор иқтисодиёти назариясининг асосчилари – А.Смит, Д.Рикардо асарларида ўз ифодасини топган. Мазкур муаммолар билан хорижда Й.Шумпетер, Ж.Гэлбрейт, Ди Лоренцо Т., В.Мёшел, А.Курно, Ж.С.Милл, Ж.Робинсон, Э.Гелхорн, В.Ковачич, Р.Питтман, М.Портер, О.Уильямсон, Э.Чемберлин, М.Шимон каби иқтисодчи - олимлар шуғулланган.

Ўзбекистонда монополстик ҳолатлар ва уларни давлат томонидан тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатлари юзасидан илмий-тадқиқот ишлари мунтазам олиб борилганки, бунда Б.Ю.Ҳодиев, А.В.Вахобов, А.С.Усмонов, Г.К.Саидова сингари олимларнинг илмий фаолиятини алоҳида эътироф этиш мумкин. Бироқ мазкур тадқиқотларда монополистик фаолиятнинг туб иқтисодий моҳияти, монополияга қарши бошқарувнинг ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатлари юзасидан муаммолар етарли даражада ўрганилмаган. Қайд этиш жоизки, уларнинг аксар қисмида соҳанинг назарий асосларига диққат кучайтирилиб, ташкилий жиҳатлари нисбатан изоҳталаб вазиятни юзага келтирган. Шу боисдан ҳам, мазкур жараён иқтисодиётни модернизациялаш ва бозор ислохотларини чуқурлаштириш шароитида мавзунинг янги нуктаи назардан тадқиқ этишни, масаланинг янги шароитларда аниқ мақсадлар билан ўрганилишини тақозо этади.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи. Иқтисодий, математик, горизонтал, солиштирма-таққослаш, башоратлаш услубларидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Илмий тадқиқотнинг хулосалари республикада монополияга қарши бошқарув соҳаларида замонавий усулларни жорий этишнинг назарий жиҳатларини маълум даражада бойитишга муайян ҳисса бўлиб қўшилади. Амалий аҳамияти эса, улардан Ўзбекистонда монополияга қарши бошқарув соҳаларида, хусусан, «Ўзбекэнерго» ДАКнинг бошқарув амалиётида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Тадқиқот натижаларидан монополияга қарши органлар томонидан табиий монополияларни тартибга солиш тадбирларини ишлаб чиқишда ва олий ўқув юртларида «Менежмент», «Миллий иқтисодиёт» ва «Тармоқлар иқтисодиёти» фанларининг айрим мавзуларини ўрганишда қўшимча материал сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги таркибий ўзгаришлар шароитида иқтисодиётда монополияга қарши бошқарувни тартибга солиш ва унинг

вазифавий жиҳатларини илмий нуқтаи назардан таҳлил этишда ўз ифодасини топган. Тадқиқот ишида эришилган ва ҳимояга олиб чиқиладиган илмий янгиликлар қуйидагилардан иборат:

- Таркибий ўзгаришлар шароитида монополияга қарши бошқарув тизимини такомиллаштиришнинг назарий асослари ўрганилди;
- монополияга қарши бошқарувнинг иқтисодий хусусиятлари белгиланди;
- “Ўзбекэнерго” ДАК фаолиятининг бошқарув стратегияси таҳлил қилинди;
- “Ўзбекэнерго” ДАК инвестицион барқарорлиги ўрганилди;
- “Ўзбекэнерго” ДАК нинг иқтисодий фаолияти таҳлил қилинди;
- давлатнинг монополияга қарши бошқарув тизимини асосий йўналишлари тадқиқ этилди;
- корхоналарда рақобат муҳитини ривожлантириш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқилди;
- монополияга қарши бошқарув тизимини ривожлантириш бўйича илмий тавсиялар берилди.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Диссертация 84 бетдан иборат бўлиб, кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шунингдек, 7 та жадвал, 1 та расм ва 2 та диаграммадан иборатдир.

I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР ШАРОИТИДА МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ БОШҚАРУВНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1. Монополияга қарши бошқарувни тартибга солиш моҳияти

Монополияга қарши бошқарув, унинг мазмун-моҳиятини талқин қиладиган бўлсак, корхона фаолиятини тартибга солиш ҳақида мулоҳаза юритишдан аввал, монополия назарияси, унинг турлари, вужудга келиш тарихи хусусида баён этиш мақсадга мувофиқдир.

“Монополия” атамаси юнонча “monos” – битта (ягона), танҳо ва “poleo” – сотаман, деган маънони англатиб, бозор шароитида бирон-бир фаолият соҳасидаги ягона сотувчи, танҳо хизмат кўрсатувчи демакдир.³

Бу таърифга кўра монополия – бу ўхшаши бўлмаган қандайдир маҳсулотнинг танҳо ишлаб чиқарувчиси бўлган ягона фирма, корхона, деган маънони англатади. Айтиш мумкинки, иқтисодиётда мазкур тушунча моҳиятини турли хил ёндашув, фарқли талқин ва таърифларда изоҳланганини кузатамиз. Масалан, Л.М.Куликов монополия тушунчасининг тор ва кенг маъносини ўзаро фарқлайди: “Монополия (грекча monos – битта, ягона + poleo – сотаман) – тор маънода битта сотувчининг бозордаги ҳукмронлигини англатади. Бироқ кенг маънода монополия деганда бир ёки бир неча шахслар гуруҳи фаолиятининг қандайдир соҳада ҳукмронлик ҳолати тушунилади. Хусусан, иқтисодиётда корхоналарнинг монопол (ҳукмронлик) ҳолатининг тўртта варианты ажратилади: монополия, олигополия (грекча oligos – озчилик + poleo), монопсония (грекча monos + opsonia – ўзиқ-овқат хариди) ва олигопсония (грекча oligos + opsonia)”.⁴

Соф монополия - бу битта сотувчи ва кўп харидорлар катнашган бозор, ёки ўрнини босадиган товар бўлмаган товарни сотадиган ягона сотувчи

³ Абулқосимов Ҳ.П. -Т.: Akademiya, 2010 й. 220 б.

⁴ Носова Н.С. - М.: Издательско – торговая корпорация, «Англейс», 2010 й.- 256 б.

бўлган бозор вазияти, ёки тармоқда ягона ҳукмрон фирма бўлиб, фирманинг ишлаб чиқариш ва сотиш чегараси тармоқ чегарасига тенг бўлган бозор. Соф монополия ва рақобатлашган бозор бир-бирига тескари бозорлар ҳисобланади.

Олигополия - бу бозор тизимида бирор бир товарни сотишда чекланган фирмалар ҳукмронлик қилади. Монопол рақобат бозори тўлиқ рақобатлашмаган бўлиб, унда қатнашадиган фирмалар сони кўп бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз товарлари нарҳини маълум чегарада назорат қилади, яъни улар кичик бўлса ҳам монопол ҳокимиятга эга.

Монопсония - харидор битта бўлиб, сотувчилар кўп бўлган бозор.

Тармоққа кириш тўсиқларидан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин.

1. Давлат томонидан берилган махсус ҳуқуқ. Масалан маҳаллий ҳокимиятларда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш, почта хизмати кўрсатиш, коммунал хизмати кўрсатиш ва алоқа хизмати кўрсатиш бўйича монопол ҳуқуқлар бериб, расмий тўсиқлар яратади.

2. Патентлар ва муаллифлик ҳуқуқи, янги технология яратганлар учун патент ва муаллифлик ҳуқуқи берилиши, уларга ушбу янгиликни сотишда, ундан фойдаланиш учун лицензия беришда монопол ҳуқуқ берилади. Лекин бундай ҳуқуқ маълум муддатгача кучга эга бўлади. АҚШ да патент қонунига кўра ихтирочи ўз ихтиросига 17 йил эгалик қилади.

3. Бирор бир ишлаб чиқариш ресурси тақлифига эгалик қилиш. Масалан, Американинг «Де Бирс» корхонаси жаҳонда сотиладиган, қайта ишланмаган олмоснинг 85 фоизини назорат қилгани учун, олмос бозорида монопол ҳокимиятга эга. Юқоридагилардан ташқари инсоннинг ноёб қобилияти ва билими ҳам монополияни вужудга келтиради.

XX аср иқтисодиёт эркинлашуви, бозорлар очилиши, товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш ва тақсимлашда кўпчилик ривожланган мамлакатлар давлат бошқарувига эга эмас, балки бозор кучларига таяна бошлаганига гувоҳ бўламиз. Рақобат сиёсати иқтисодий эркинликни

рағбатлантириш, баъзида эса мустақил харидорлар ва сотувчилар ўртасида рақобатни талаб қилиш йўли билан қўллаб-қувватлайди. Шу сабабли барча ривожланган мамлакатлар ўзларининг рақобатга қарши қонунларини янада кучайтирдилар. Шу вақтнинг ўзида баъзи мамлакатлар савдо-сотиққа тўсқинлик қилувчи, кейинчалик бошқа хатти-ҳаракатлар билан қайтадан вужудга келтирилиши мумкин бўлган тўсиқларни бартараф этадиган янги қонунларни киритдилар.

Рақобат сиёсати, азалдан иқтисодиёти ривожланган, ички рақобат тижоратда муҳим омил ҳисобланган мамлакатлардаги рақобат жараёнини ҳимоя қилиш учун қўлланиб келинган. Шундан келиб чиққан ҳолда, энг жиддий рақобат сиёсати АҚШ, Германия ва Европа Ҳамдўстлиги (кейинги ўринларда ЕҲ дея келтириб ўтилади) кузатилишини эътироф этиш мумкин.

Монополияга қарши қонунчилик учун модел сифатида хизмат қилган ва уни жаҳоннинг бошқа мамлакатларига тарқатишга асос бўлиб хизмат қилган Америка ва Германия тизимларида рақобат тўғрисидаги қонунни белгилаш ва уни амалга оширишда суд қарорлари марказий (асосий) ролни бажарадилар. Худди шундай жиҳат Австралия, Япония, Корея, Канада, Франция ва ЕҲ да бор. Аксинча, суд қарорлари Буюк Британия, Испания ва Швеция қонунларида унчалик аҳамият касб этмайди. Ушбу мамлакатлар мазкур қонунни амалга ошириш ва таърифлаш маъмурий судларда ва ижро ҳокимиятини тайинланган расмий шахсларга (одатда, иқтисодиёт вазири) асосланади.

Рақобат тўғрисидаги қонунлар иккита, лекин бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган концепцияларга асосланади: бозор ҳукумронлиги ва бозорда устун мавқега эга бўлиш. Амалиётда рақобат сиёсатининг кўпчилик шакллари ёхуд етказиб берувчиларни бозор ҳукумронлигини амалга оширишга тўсқинлик қилиш ёхуд устун мавқега эга бўлган корхоналарни ўз мавқеларини суиистеъмол қилишни тўхтатиб туришига йўналтирилган. Бундай ҳолат бозор ҳукумронлигида амалга ошириш иқтисодий самарадорлик

билан бир-бирига тўғри келмаслиги, устун мавқега эга бўлиш эса етказиб берувчига савдо-сотиқ йўлига хусусий тўсиқларни юзага келтиришга, рақобатни чеклашга ва бошқа томонларнинг иқтисодий эркинлиги ва фаолият кўрсатишга имкон яратади. Бозор ҳукмронлиги иқтисодий бозорларнинг нисбий ҳажми (бозор улуши) ва тузулмасига, яъни ўзаро рақобатлашувчи етказиб берувчилар сонига, савдо-сотиқни амалга оширишда мавжуд бўлган жиддий тўсиқлар, товар ўрнини босувчисининг мавжудлигига боғлиқ бўлади.

Устун мавқега эга бўлиш етказиб берувчиларнинг абсолют ҳажмига, унинг буюртмачилар ва шахсий етказиб берувчилар билан алоқаларига, шунингдек, савдо бўйича ҳамкорларининг иқтисодий аҳволини билиш қобилиятига боғлиқдир. Бозор ҳукмронлиги концентрацияси ва самарадорлигига асосланадиган рақобат тўғрисидаги қонунлар истеъмолчилар фаровонлигини кўзлаган ҳолда юзага келади. Аксинча, устунлик концентрациясига асосланган қонунлар рақобат жараёнини эмас, балки рақобатчиларни ҳимоялашга хизмат қилади.

Савдо-сотиқнинг эркинлашуви самарали рақобат сиёсатини ўзгартиради, сабаби кўпгина ҳолатларда эркин савдо-сотиқ бозорнинг рақобат тузилмасида унчалик аниқ намоён бўлмайди ва бозорда самарали фаолият кўрсатишни рағбатлантирмайди. Шунинг учун, рақобат сиёсати ва савдо-сотиқнинг эркинлашувини муқобил сиёсатга қўшимча сифатида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

“Рақобат тўғрисида”ги қонун учта соҳага кириб боради, яъни: бизнесни амалга ошириш усулига, иқтисодий бозорлар тузилмасига ва хўжалик юрутиш усулларига. Ўрганиб чиқилган қонунчиликлар ўртасида ҳаракатланишни ўзининг бозордаги устун мавқеини суиистеъмол қилувчи ёхуд савдо-сотиқни чекловчи, рақобатни сусайтирувчи, маън қилинган шакллари олувчи ўзини тутиш қоидалари мазмунан бир-бирига яқинлиги билан ажралиб туради. Маълум бир ҳолатларда рақобатни чекловчи ушбу

хатти-ҳаракатлар иқтисодий самарадорликка ўз улушини қўшиши мумкин. Рақобат тўғрисидаги қонунлар эса умуман олганда рақобат зарари ва самарадорликни ошириш тўғрисида балансга эга бўлишга йўналтирилган.

Иқтисодий бозорлар тузилмасида қўлланиладиган рақобат тўғрисидаги қонун корпорациялар ўртасидаги қўшилиб кетишлар (корпоратив трансакциялар), қўшма корхоналар ва активлар трансфертлари бўйича битимларга аралашади. Ушбу аралашуш трансакциялар ўзаро рақобатлашувчи етказиб берувчиларнинг мустақил фаолиятини сусайтириш ва иқтисодий бозорлардаги концентрациялашувни юқори даражаларга кўтаришда содир бўлади. Тарихан, Германия ва АҚШда қўшилиб кетиш тўғрисида олдиндан хабар бериш ва иқтисодий бозорларда юқори концентрациялашувга олиб келувчи корпоратив трансакцияларни ман қилиш талаблари орқали фаол аралашув амалга оширилган, бошқача қилиб айтганда, йирик иқтисодий субъектлар халқаро бозорларда рақобатлаша олади деган нуқтаи назардан, ўрганилган қонунчиликлар бозор тузилмаси устидан етарли даражада назоратни амалга оширмайди.

Бироқ, иқтисодиёт тобора ривожланган сари ва унинг тармоқ концентрацияси даражасининг ошиб бориши сабабли ҳукуматда бозор тузилмаси устидан кучли назоратни амалга ошириш тенденцияси юзага келади. Бу рақобат тўғрисидаги қонунинг кейинги вақтларда юқори суръатлар билан ўсиб бораётган соҳасига айланган. Шунинг учун ЕХ, Буюк Британия, Испания, Германия, Жанубий Корея ва Канада бозор тузилмаси устидан назоратни кучайтирдилар. Ўрганилган қонунчиликлардаги рақобат тўғрисидаги қонунлар рақобатга қарши сезиларли самараларни олдинга суришга тайинланган индустриал сиёсатни қўллаб-қувватлаш учун бир восита сифатида қонунчиликдаги трестларга қарши истиснолардан фойдаланиш имконини беради.

Хусусан, маҳаллий етказиб берувчилар ўртасида давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган ҳамкорлик, одатда рақобатга зарар етказди ва

рақобатга қарши нарх шакллантирилишини рағбатлантиради. Давлат томонидан муҳофаза қилинадиган маҳаллий тармоқларнинг маҳсулотлари истеъмол қилинадиган жойда ушбу самаралар маҳаллий етказиб берувчилар томонидан олинган барча фойдани компенсациялаши мумкин. Тарихан, Япония, Корея ва Германия маҳаллий етказиб берувчилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларига рухсат бериб келган. Шунга қарамасдан, ривожланиш жадаллашган, истеъмолчи манфаатлари кучларини борган сари ўсиши натижасида ушбу мамлакатлар маълум тармоқлар сиёсатини рақобатга қарши оқибатларини ўйлаганлар ва тармоқ концентрацияси иқтисодий ривожланишга ижобий таъсир кўрсатади деган хулосага келганлар. Иқтисодиётдаги картеллашиш сифатидаги ўзига хос тармоқ сиёсатини самарадорлигига нисбатан шубҳа рақобат тўғрисидаги қонунни ва ушбу қонундан озод этиш учун яқка тартибда белгиланадиган мезонлар доимий равишда кучайтиришга олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси “Товар бозорларида монополия фаолияти чегаралари ва рақобат тўғрисида” ги қонунининг 11-моддаси (кейинчалик “Рақобат тўғрисида”ги қонун)га кўра, Ўзбекистон Республикаси монополияга қарши кураш қонунчилиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланган ва Рақобат тўғрисидаги қонун ҳамда унга мувофиқ товарлар, хизматлар ва молия маблағлари бозоридаги рақобатга таъсир этувчи муносабатларни тартибга солувчи бошқа қонунлардан иборат. Бундай муносабатлар Президент фармонлари, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари ёрдамида тартибга солиниши ҳам мумкин.

Монополияга қарши кураш қонунчилигининг вақтдаги ҳаракати. Умумий қоидалар амалда: монополияга қарши кураш қонунчилиги ҳужжатлари айланиш кучига эга эмас, улар кучга киргач, пайдо бўлувчи муносабатларга нисбатангина қўлланилади. Баъзан ҳужжатни амалда қўллаш муддатини узайтириш ёхуд, аксинча, унинг қоидаларини юзага келган муносабатларга нисбатан қўллаш зарурати юзага келиши мумкин. Бундай

ҳолатда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатда унинг амал қилишидаги алоҳида тартибга урғу мавжуддир.

Қуйидаги расмдан табиий монополияларни тартибга солишнинг мақсад ва шакллари билиб олиш мумкин.



1 – расм Табиий монополияларни тартибга солишнинг мақсад ва шакллари⁵

Монополияга қарши кураш қонунчилиқнинг муҳитдаги ҳаракати. Монополияга қарши кураш қонунчилиғи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кенг тарқалган. Баъзи ҳолатларда Ўзбекистоннинг монополияга қарши кураш қонунчилиғи Ўзбекистон Республикаси ташқарисида юзага келган

⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

муносабатларга нисбатан ҳам қўлланиши мумкин. Хусусан, Рақобат тўғрисидаги қонуннинг 2-моддаси 1-пунктида белгиланганидек, агар россиялик ва хорижлик юридик шахслар, федерал ижроия ҳокимияти идоралари, Ўзбекистон Республикаси субъектларининг давлат ҳокимияти идоралари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари, жисмоний шахслар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги якка тадбиркорлар томонидан тузилувчи келишув ва ҳаракатлар рақобатни чегаралашга сабаб бўлиши мумкин бўлса ёки олиб келса ёки Ўзбекистон Республикаси бозорларида салбий оқибатларга олиб келса, ушбу қонун қўлланилади.

Шахслар доираси бўйича монополияга қарши қонунчилик ҳаракати. Рақобат тўғрисидаги қонунга мувофиқ, хўжалик юритувчи субъектлар, ижроия ҳокимияти идоралари, Ўзбекистон Республикаси субъектлари давлат ҳокимияти идоралари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари монополияга қарши тартибга солиш субъектлари ҳисобланади. “Рақобат тўғрисида”ги қонунчиликда кўрсатиб ўтилган субъектларга тааллуқли ҳужжатлар, шунингдек, чекланган доирадаги субъектларга тегишли ҳужжатлар (масалан, Ўзбекистон Республикаси “Алоқа тўғрисида” ги қонуни)ни ўз ичига олади. Баъзи субъектларнинг хусусиятлари кейинроқ тўлиқ кўриб чиқилади.

Монополияга қарши кураш идораларининг тузилиши ва имкониятлари. Монополияга қарши кураш қонунчилигининг мақсадлари махсус тузилган ижроия ҳокимияти – монополияга қарши кураш бўйича идора ва у томонидан тузилувчи ҳудудий идоралар орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 22 сентябрдаги Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши кураш сиёсати ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш департаменти, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 26 февралдаги Фармонига мувофиқ ҳамда иқтисодиётни монополиядан чиқариш, рақобат муҳитини ривожлантириш ва иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш борасидаги ишларни фаоллаштириш мақсадида ташкил этилган монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси амал қилади.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

- монополия фаолияти ва ноҳалол рақобатнинг олдини олиш, чеклаш ва тўхтатиш;

- рақобат ва тадбиркорликни ривожлантириш асосида бозор муносабатлари шаклланишига кўмаклашиш;

- Ўзбекистон Республикаси монополияга қарши кураш қонунчилиги, Ўзбекистон Республикасининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги, тадбиркорликнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши тўғрисидаги, реклама тўғрисидаги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида табиий монополиялар ва товар биржалари тўғрисидаги қонунчиликка амал қилишнинг давлат назоратини амалга ошириш;

- алоқа соҳасида табиий монополия субъектлари фаолияти назорати ва давлат томонидан тартибга солиш (умумий электрик ва почта алоқаси хизматлари кўрсатиш).

- тадбиркорлик, шу жумладан кичик ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсатини ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётнинг тадбиркорлик секторини барпо этиш ва мустаҳкамлашга кўмаклашиш, кичик тадбиркорликни ривожлантириш ва

қўллаб-қувватлаш соҳасида давлат томонидан тартибга солиш, тармоқлараро ва минтақалараро мувофиқлаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасининг баъзи ваколатларини кўрсатиб ўтамыз:

- давлат ўз имкониятлари доирасида Ўзбекистон Республикаси монополияга қарши кураш қонунчилиги, Ўзбекистон Республикаси истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисидаги, реклама тўғрисидаги ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонунчилигида кўзда тутилган бажариш учун мажбурий буйруқларни бериш;

- тақдим этилган имкониятлар доирасида маъмурий қоидабузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриш ва Ўзбекистон Республикаси монополияга қарши кураш қонунчилиги, Ўзбекистон Республикаси истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисидаги, реклама тўғрисидаги ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонунчиликда кўзда тутилган ҳолатларда жарима ундириш, кўрсатиб ўтилган ишларни кўриб чиқиш қоидаларини тасдиқлаш;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган ҳолатларда судга ёки арбитраж судига мурожаат этиш, шунингдек, ишларни судда кўриб чиқишда иштирок этиш;

- Ўзбекистон Республикаси монополияга қарши кураш қонунчилигини ва Ўзбекистон Республикаси истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисидаги қонунчилигини қўллаш масалалари бўйича изоҳлар бериш;

- Ўзбекистон Республикаси монополияга қарши кураш қонунчилигининг, Ўзбекистон Республикаси истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисидаги, реклама тўғрисидаги қонунчилигининг бузилиши ҳақидаги ҳужжатларни тегишли фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома берган идораларга уни тўхтатиш ёки бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун, шунингдек, тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига бу

қонунчиликнинг бузилиши билан боғлиқ жиноят белгилари бўйича иш очиш масаласини ҳал этиш учун юбориш;

- бозорда асосий ўринни эгаллаб, монополия фаолиятини амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектларни мажбурий ажратиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида ўз ваколатлари доирасида, шунингдек, бошқа федерал ижроия идоралари билан ҳамкорликда буйруқлар, кўрсатмалар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар чоп этиш.

Монополияга қарши кураш идораларининг фаолият мақсадлари бўйича куйидаги турларни белгилаган ҳолда, уларнинг ваколатлари таснифини амалга ошириш мумкин:

1) ташкилий ва тартибга солиш вазифаларини амалга оширишга қаратилган ҳуқуқлар;

2) назорат вазифаларини амалга оширишга қаратилган ҳуқуқлар;

3) монополияга қарши қонунчиликнинг бузилишини тўхтатишга қаратилган ҳуқуқлар.

Монополияга қарши кураш идораларининг ваколатлари рўйхати, гарчи бу ихтиёрий равишда кенгайтириш мумкинлигини англатмаса-да, муфассал ҳисобланмайди. Зеро, масалан, монополияга қарши кураш идораси зарарларни қоплаш масалаларини, ҳатто агар зарарлар монополияга қарши кураш қонунчилиги бузилиши, шунингдек, жиноий жавобгарликка тортиш туфайли юзага келган бўлса, ҳал эта олмайди. Бошқа идоралар (суд, тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари) бу муаммоларни ҳал этиш ваколатига эга. Монополияга қарши кураш идоралари етарлича кенг ҳуқуқларга эга, бу уларга шарҳланувчи мажбуриятларнинг пайдо бўлишини келтириб чиқаради. Масалан, ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқига тижорат сирини сақлаш мажбурияти мос келади.

2. Монополияга қарши бошқарувнинг ҳуқуқий асослари

Монополияга қарши кураш қонунчилиги асосли равишда шундай ҳолатга таянадики, бунда монополия, монополлаштириш доим ҳам иқтисодий муносабатлар учун зарар, салбий оқибатларга сабаб бўлмайди. Ҳар бир ҳодисани бир хилда фақат ижобий ёки фақат салбий деб баҳолаб бўлмайди. Шунинг учун монополиянинг зарари тўғрисида тезисни мутлақлаштириш мумкин эмас. Монополлаштиришдаги ижобий хоссалар сифатида айтиш жоизки, монополиялар техника ютуқларидан кенг фойдаланади, техника тараққиётига кўмаклашади ва истеъмол маҳсулотларини арзонлаштиради, халқаро бозор учун курашда мамлакатнинг рақобат қобилиятини кучайтиради.

Рақобат ҳуқуқини тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи шахснинг субъектив ҳуқуқларига киритиш мумкин. Рақобат ҳуқуқи тадбиркорлик ҳуқуқига эга ҳар бир тадбиркорлик субъектига тааллуқли, бироқ ҳар субъект ҳам (масалан, табиий монополия субъекти) уни амалга ошира олмайди. Бундай ҳуқуқ ўз чегараларига эга. Зеро, инсофсиз рақобат, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз устувор ҳолатини суиистеъмол қилишлари таъқиқланади. Бироқ қонун доирасида ва яхши ниятда содир этилган ҳаракатлар, ҳатто агар улар рақибларнинг тижорат режаларини бузса ҳам, ҳалол деб тан олиниши керак.

“Ресурслар тақсимотининг самарасизлиги, тараққий этмаслик, даромадлар тақсимои тенгсизлиги ва сиёсий хавф” монополиянинг салбий жиҳатлари сифатида намоён бўлади.

Моҳиятан монополиялар рақобатни бартараф этиш ёки чеклашга интилади, “Рақобат тўғрисида”ги қонунчилик эса бу йўналишларни тўхтатиши керак. Монополияга қарши кураш идораларининг вазифаси – “нафақат монополияга қарши курашиш, балки ишлаб чиқариш ресурсларининг эркин оқимига кўмаклашиш ва сунъий монополистик

тўсиқларни бартараф этиш орқали рақобатга ҳар томонлама ёрдам беришдан иборат”.

Бироқ гап эркин, мукаммал рақобатни эмас, балки монополистик рақобатни ҳимоялаш ҳақида боради, чунки монополия мутлақ ёмонлик эмас, балки рақобат – мутлақ неъмат сифатида кўриб чиқилади. Бунда монополияга қарши кураш қонунчилигининг вазифаси монополиянинг иқтисодий муносабатларга таъсир характери, рақобат чекланганда ишлаб чиқариш самарадорлиги ортиш ёки ортмаслигини аниқлаш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги қонуни монополия таърифига эга эмас. Бу ҳодисанинг моҳияти “монополия фаолияти” ва “устувор мавқе” тушунчалари орқали ифодалаб берилади. Бироқ аниқлаш жоизки, қонунчилик шундай қоидадан келиб чиқадики, бунда монополия – бир ёки бир неча хўжалик юритувчи субъект бозордаги вазиятни назорат қилиш имкониятига эга бўлгандаги товарлар (хизматлар) муомаласи соҳасидаги ҳолат (монополияни тадқиқ этишдаги бозор йўналиши).

Монополияга қарши курашни тартибга солиш икки асосий усул билан амалга оширилади. Улардан бири хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорда устувор мавқега эга фаолиятини чеклаш ва ман этиш бўлиб, у рақобатни бартараф этади ёки унинг амал қилиш соҳасини (келишувлар, бирлашувлар, устувор мавқени суиистеъмол қилиш назоратини) торайтиради. Иккинчи усул монополиялар ва устувор мавқега эга субъектларнинг хўжалик юритиш фаолиятига давлатнинг бевосита таъсиридан (солиққа тортиш, нархлар назоратининг алоҳида тизимидан) иборат.

Ўзбекистон Республикаси Рақобат тўғрисидаги қонунида монополия умумий кўринишда ман этилмаган. Монополияга қарши курашни тартибга солиш бозорда устувор мавқега эга субъектларнинг баъзи ҳаракатларига қаратилиб, уларда муфассал рўйхатнинг ўзи йўқ. Шунинг учун монополияга қарши курашнинг таъқиқ ва чекловларига асосланган принципларни тушуниш муҳимдир.

“Рақобат тўғрисида”ги қонун монополия фаолиятини монополияга қарши курашни тартибга солиш субъектининг рақобатни ман этиш, чеклаш ёки бартараф этишга қаратилган ҳуқуқбузарлик ҳаракати сифатида таърифлайди.

Объектив томонга ҳуқуқбузарлик ҳаракатлари, улар орасидаги сабабли алоқа ва зарар сингари элементлар киради.

Монополияга қарши курашни тартибга солиш субъектининг ҳаракатлари (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) монополияга қарши кураш қонунчилиги меъёрларини бузса, ҳуқуқбузарлик ҳисобланади.

Ҳуқуқбузарликдаги субъектив таркибнинг ўзига хос хусусияти шундаки, субъектларнинг аксарият қисмини юридик шахслар ташкил этади. Юридик шахснинг айби унинг ходимлари айби орқали ифодаланади. Бу асосан юридик шахснинг бозордаги ҳатти-ҳаракати, шу жумладан рақобат курашидаги ҳатти-ҳаракат стратегиясини белгилаб берувчи ташкилотлар – хўжалик юритувчи субъектларига тааллуқлидир.

Монополияга қарши кураш қонунчилигининг кейинги асосий тоифаси “устун мавқе” ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, устун мавқе ўз-ўзидан қонунга зид ҳодиса эмас.

“Рақобат тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасида устувор мавқе “хўжалик юритувчи субъект ёки бир неча хўжалик юритувчи субъектларнинг товар бозоридаги ўринбосарга ёки ўзаро алмашинувчи товарларга эга бўлмаган, тегишли товар бозорида унга товар муомаласидаги умумий шароитларга ҳал этувчи таъсир кўрсатиш ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга кира олишларини қийинлаштириш имконини берувчи истисноли ҳолат” сифатида белгиланган.

Хўжалик юритувчи субъектнинг маълум товар бозоридаги улуши 50 ва ундан ортиқ фоизни ташкил этса, у устувор мавқега эга бўлади деб тахмин қилинади. Бунда хўжалик юритувчи субъектга аксинча ҳолатни исботлаш ҳуқуқи берилган. Маълум товар бозорида 35 дан 50 % гача улушга эга

хўжалик юритувчи субъект устувор мавқега эга эмас деб ҳисобланади. Кейинги фикрни бекор қилиш монополияга қарши кураш идораси зиммасига юклатилган.

Маълум товар бозорида 35 %дан кам улушга эга субъектнинг ўринни устувор деб тан олиш мумкин эмас.

Рим шартномасида, масалан инсофсиз рақобат тўғрисидаги меъёрлар мавжуд эмас. Францияда инсофсиз рақобатдан ҳимояланиш учун ҳуқуқбузарликдан етказилган зарар учун жавобгарлик тўғрисидаги умумий қоидаларни ўз ичига оловчи ДК 1382 моддасидан фойдаланилади. Бундай ҳолат – Италия, Бельгия, Нидерландия, Люксембургда қайд этилган.

Инсофсиз рақобат ҳолати эркин рақобат муносабатларидан келиб чиқади. Капитализм юзага келиши давридаги рақобат рақибларнинг бир-бирлари билан турлича, яъни тугалланмаган, ноҳақ, инсофсиз курашиш воситалари пайдо бўлишига олиб келди. Рақобатли инсофсизлик меъёрий, ҳақгўй рақобатнинг орқа томони ҳисобланади. Шунинг учун инсофсиз рақобат билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган махсус меъёрий ҳужжатнинг мавжуд эмаслиги асоссизлиги тўғрисида бир хил деб бўлмайди.

Профессор Г.К. Гинс қуйидаги таърифни таклиф этган: “инсофсиз рақобат сўзининг узвий маъносида, савдогарларнинг бир-бирларига нисбатан ишбилармон ҳалолликни камайтирувчи ва истеъмолчиларнинг савдогарларга ишончини йўқотишларига ахлоқан йўл қўйилмайдиган усуллар билан боғлиқ беллашиш ҳуқуқини англаш мумкин”.

Ю.И.Свядоснинг фикрига кўра, “инсофсиз рақобат замирида савдо ва саноат ишларида капиталистик айланмага рақобатчиларга нисбатан ҳаққоний қоидалар ёки ҳаракат урфларига зид бўлган инсофсиз амалларни амалга ошириш йўли билан мулкӣ фойда олишга қаратилган ишларни бажариш тушунилади”.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичиданоқ ҳуқуқий ўзгаришларга алоҳида аҳамият қаратилди. Шунга кўра иқтисодиётда монополиялашув тенденциялари пайдо бўлиши муносабати билан эркин рақобат чекланади. Соғлом рақобатчилик муҳитини яратишда давлатнинг роли ошиб боради. Буни давлатнинг монополлашув жараёнига қарши олиб борадиган сиёсатида кўриш мумкин. Бу сиёсат эркин рақобат муҳитини янгидан яратишга эмас, балки уни сақлаб қолишга, кези келганда қайтадан тиклашга, рақобатнинг маданийлашган усуллари қарор топтиришга қаратилади. Рақобатни ҳимоя этишнинг асосий дастаги бу – монополияларнинг фаолиятини антимонопол қонунлар асосида бошқаришдир.

Давлатнинг хусусий монополияларни жиловлашга қаратилган тадбири 1890 йилда АҚШда қабул қилинган «Шерман қонуни» бўлиб, у тарихда антитрест қонуни деб ном олган.

Бозордаги вазият тез ўзгариб туради. Унинг ҳисобини назорат қилиб туриш қийин кечади. Шу боисдан антимонопол қонунлар ўзининг ноаниқлиги билан ажралиб туради. Рақобатни чеклаш борасида конкрет аҳвол шундайки, бу қонунларни кенг талқин қилишга тўғри келади.

Антимонопол қонунларни қабул қилиш ва ҳаётга татбиқ қилиш бозор муносабатларига ўтаётган ҳар бир мамлакат учун ҳаётий заруриятдир. Чунки эркин рақобатга йўл бермай туриб, бозорни шакллантириб бўлмайди. Шу мақсадда Ўзбекистонда 1992 йилда монополизмга қарши кураш қонунчилигига асос солинди. Худди шу йили республикада монополистик фаолиятни чеклашга доир қонун қабул қилинди.

Қонун моҳиятига кўра бозорда атайлаб тақчиллик ҳосил қилиш, нархларни монополлаштириш, рақобатчиларнинг бозорга кириб боришига тўсқинлик қилиш, рақобатнинг ғирром усуллари қўллаш ман этилади. Қонун бандларини бузганлар тегишли равишда рақибига этказган зарарни қоплашлари, жарима тўлашлари шарт. Улар ғирромлик билан олинган

фойдадан маҳрум этилади. Мазкур қонун рақобатчилик тизимига хизмат қилади. Хўш, қонуннинг амал қилиниш доираси қандай изчилликда боряпти, унинг фаолиятини кучайтириш учун нималарга аҳамият бериш керак? Шу муносабат билан Президентимиз И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарида шундай дейди: «Биз монополия фаолиятини чеклаш тўғрисида қонун қабул қилганмиз, лекин у амалда иш бераётгани йўқ. Статистик маълумотларга қараганда, эндиликда давлат тасарруфидан бутунлай чиқарилган савдо, хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам монополия тузилмаларига дуч келяпмиз.

Монополияларга қарши қонунни кучайтириш, монополия тузилмаларини камайитириш ва тугатиш юзасидан амалий жараён кўриш лозим. Табиий монополиялар тўғрисида қонун қабул қилиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқариш даркор».

Республикамизда иқтисодиётнинг турли соҳаларида хўжалик юритаётган субъектларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий эркинлигини таъминловчи қонунлар қабул қилинди. Монополистик фаолият, монополия фаолиятини чеклаш қонуни асосида чеклаб қўйилди.

Барча иқтисодий тизимларда давлат ва бозор тизими маълум ўринни тутади, ҳар бири мустақил амал қилади. Шу билан бирга дунёдаги турли хил иқтисодий тизимлар бир биридан иқтисодиётни бошқариш ва тартибга солишда давлат ва бозор ролининг нисбати бўйича кескин фарқ қилади. Масалан, бир иқтисодий тизим кўпроқ давлат томонидан бошқаришга таянса, бошқаси бозор механизми орқали тартиблашга устунлик қилади. Иқтисодий тафаккур тарихидан биринчи марта давлатнинг иқтисодиётдаги ролини чеклаш ва уни тартиблашда бозор механизмидан фойдаланиш масаласи А.Смит томонидан илмий асосда кўриб чиқилган. Унинг “Халқаро бойлигининг табиати ва сабабларини тадқиқ қилиш ҳақида” (1776 йил) деган китобида бозор усуллари орқали иқтисодиётнинг ўз-ўзини тартибга

солишнинг зарурлиги таъкидлаб ўтилган. А.Смитнинг фикрича, хусусий товар ишлаб чиқарувчилар бозор, давлат назоратидан тўлиқ озод бўлишлари зарур. Ана шундагина ишлаб чиқарувчилар истеъмолчилар талабига мос равишда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш имкониятига эга бўладилар. Бунда бозор воситасида тартибга солиш, ҳар қандай четдан аралашишларсиз ишлаб чиқарувчиларни бутун жамият манфаатлари учун ҳаракат қилишга мажбур қилади.

3. Монополияга қарши самарали тартиботларни амалга оширишнинг хориж тажрибаси

Охирги ўн йилликлар бутун дунё миқёсида рақобат тўғрисидаги қонунларни (улар трестларга қарши ёки монополияга қарши қонунлар деб ҳам аталади) янада ривожлантириш ва амалиётга киритиш даври бўлди. Собиқ социалистик лагерни парчаланиб кетиши оқибатида Шарқий Европа ва Марказий Осиёнинг кўпчилик мамлакатлари рақобат сиёсатининг негизи ҳисобланган бозор иқтисодиёти тамойилларини жорий қила бошлаган бир вақтда, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар ҳам бир жойда тўхтаб қолмай, амалиётда фойдаланилаётган монополияга қарши қонунчиликка ўзгартиришлар киритиб бордилар. Ҳозирги кунда дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатларида монополияга қарши қонунчилик мавжуддир.

Шундай қилиб, ушбу қонунларнинг барчаси тўртта асосий ҳаракатлар/фаолиятлар натижасида зарар етиши мумкин бўлган соғлом рақобатни ҳимоя қилишга мўлжалланган:

1. Рақобатга қарши битимлар ва келишиб қилинган ҳаракатлар, жумладан картел битимлар, шунингдек бир нечта корхона/шахсларни рақобатни чеклашга қаратилган атайлаб ёки атайлаб қилмаган ҳаракатлари/битимлари (ғоя ЎР “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасидан олинган).

2. Битта ёки бир нечта корхоналар томонидан ўз устун мавқеини/бозор ҳукмронлигини суиистеъмол қилиши (ғоя ЎР “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасидан олинган).

3. Инсофсиз рақобат (ғоя ЎР “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасидан олинган).

4. Бозор концентрацияси, жумладан корхоналарни қўшиб юбориш бўйича битимлар ёки корхоналарни фаолияти устидан назорат олиб бориш бўйича

мулкӣ – одатда пайлар ёки акция пакетларини улушлар орқали – ва бошқа ҳуқуқлар бериш орқали (ғоя ЎР “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги Қонуннинг 14 ва 15-моддаларидан олинган).

Ушбу қонунларнинг кўпчилигини мамлакатда монополияга қарши сиёсатни амалга ошириш ва рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши устидан назорат олиб боровчи махсус ваколатли орган томонидан ишлаб чиқилади (белгиланади). Шундай қилиб, мамлакатлар ўртасида рақобат тўғрисидаги қонунчиликларни ўзаро ўхшашлиги тугайди. Турли давлатларнинг тарихий, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий жиҳатларини бир-бирига ўхшамаслиги, рақобат сиёсати ва ҳуқуққа нисбатан турлича ёндашишни келтириб чиқарди.

Масалан, АҚШ ва ЕҲ рақобат тўғрисидаги қонунларни матнларини баён қилиниши конституцион нормаларни эслатади, уларни тушунчаларини шарҳлашда судларга ва монополияга қарши органларга кўпроқ мажбуриятлар ва эркинликлар берилади. Рақобат тўғрисидаги қонунчиликни нисбатан яқинда киритган кўпчилик мамлакатларда рақобат сиёсатининг барча тўртта жиҳати битта қонунда ўз аксини топган. Бундай мамлакатлар қаторига Ўзбекистон, Россия, МДҲ кўпчилик мамлакатлари, шунингдек Шарқий Европа мамлакатлари киради.

Бошқа мамлакатларда рақобат сиёсатининг бозор концентрацияси ва ноҳалол рақобат каби жиҳатлари алоҳида қонунлар юрисдикциясига (ваколатига) киради. Қозғистонда ва бир нечта бошқа мамлакатларда ноҳалол рақобат алоҳида қонунчилик қилиб ажратилган, АҚШда эса концентрациялашиш масалалари ва тегишли таомиллар-Харта-Скотта-Родио (қонунни ишлаб чиққан конгрессменларнинг номи) номли махсус қонун билан тартибга солинади.

Марказлашган-режалаштирилган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда қонунчилик одатда ҳокимият органларини рақобатга

қарши ҳаракатлари/қарорлари/ҳаракатсизлигини чеклаш учун махсус ишлаб чиқилган алоҳида нормаларга эга. Бунинг сабаби, режалаштирилган иқтисодиёт даврида ҳокимият органларини корхоналарнинг фаолиятига ҳаддан зиёд кўп аралашуви оқибатидир. Бундай қонунчиликка эга бўлган мамлакатлар қаторига деярли барча МДХ давлатлари, жумладан Ўзбекистон ҳам киради.

Хорижий мамлакатларнинг қонунчиликларидаги тафовутлар турлича ва ниҳоятда кенгдир. Шунинг учун ушбу таҳлил биринчи навбатда ушбу тафовутларни аниқлаш ва тушунтириб беришга қаратилди. Таҳлил услубиёти Ўзбекистон Республикасида рақобат тўғрисида янги қонунни ишлаб чиқишда амалий фойдаланиш мумкин бўлиши нуқтаи назаридан танлаб олинди. Шу муносабат билан, муаллифлар ўтказилган ушбу таҳлил натижаларини ЎЗРда амалда бўлган рақобатга қарши қонунни хорижий мамлакатлардаги қонунлар билан моддалар бўйича таққослаш фойдали ва самарали бўлади деб ҳисоблайдилар. Бунда дастлабки қадам бўлиб Ўзбекистон Республикаси “Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида”ги Қонунидан фойдаланилди. Ушбу ишни амалга ошириш учун Қўмитанинг Ҳайъати йиғилишида бир қатор мамлакатлар танлаб олинди ва уларнинг қонунчиликлари ўрганиб чиқилди.

Булар: АҚШ, Европа Ҳамжамияти, Россия Федерацияси, Япония, Буюк Британия, Венгрия, Вьетнам. Қуйида нима сабабдан айнан шу мамлакатлар танлаб олинганлиги қисқача шарҳлаб берилган:

- АҚШ: АҚШнинг монополияга қарши қонунчилиги энг биринчи бўлиб қабул қилинган қонун бўлиб ҳисобланади. У шунингдек, энг кўп ўрганилган ва амалиётда фойдаланилгандир. Бундан ташқари, АҚШ жаҳоннинг энг йирик миллий иқтисодиёти ҳисобланади.

- Европа Ҳамжамияти: ЕҲ – бу нафақат Европа континентида, балки бутун дунёда улкан ҳажмли ва чуқур интеграллашган миллий иқтисодиётларнинг ноёб мисolidир. ЕҲ мисolidида монополияга қарши

қонунчиликни интеграллашиш жараёнларида ривожланишни кузатиш мумкин. ЯИМ ялпи ҳажми бўйича ЕҲ мамлакатлари АҚШдан ўзиб кетган.

- Россия Федерацияси: Ушбу мамлакат режалаштирилган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш даври жиҳатлари билан Ўзбекистонга ўхшашдир. У Ўзбекистоннинг энг асосий ҳамкори ва Европа Осиё ИК таркибига кирувчи энг йирик мамлакат (иқтисодиёт), Ўзбекистон ушбу Кенгашга 2005 йилда тенг ҳуқуқли аъзо бўлган. Бундан ташқари, РФ монополияга қарши қонунчилиги тузилиши ва бошқа жиҳатлари бўйича Ўзбекистон қонунига ўхшашдир.

- Япония: ЯИМ ҳажми бўйича жаҳон миллий иқтисодиётда иккинчи ўринни эгалланган, ўзига ҳос Осиё менталитетига, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга эга бўлган мамлакат.

- Германия: Жаҳон миллий иқтисодиётида ЯИМ ҳажми бўйича учинчи ўринни эгаллайди. Ҳуқуқий анъаналари Европа континентида жойлашган мамлакатлар, жумладан Россия ва Ўзбекистон билан ўхшаш. Ўз вақтида Германиянинг монополияга қарши қонунчилиги ЕҲ монополияга қарши қонунчилигини ишлаб чиқиш учун бошланғич нукта вазифасини бажарган (1950-60-йиллар).

- Буюк Британия: ЯИМ ҳажми бўйича бешинчи ўринда турувчи давлат. АҚШ ва ЕҲ монополияга қарши қонунчиликларини туси ва шаклини шакллантирган, иқтисодиётни ва ҳуқуқшуносликни англо-саксон турини асоси.

- Венгрия: Режалаштирилган иқтисодиётдан бозор муносабатларига муваффақиятли ўтган собиқ соц. лагердаги энг муваффақият қозонган иқтисодиёт. Баъзи экспертларнинг фикрича унинг рақобат тўғрисидаги қонунчилиги ЕҲ ҳудудида энг такомиллаштирилган миллий қонунчиликдир.

- Вьетнам: Охириги ўн йилликларда иқтисодиёти ривожланган ва нисбатан “ёш” монополияга қарши қонунчиликка (2004 й.) эга бўлган Осиё мамлакати.

Монополияга қарши бозорда етказиб берувчилар ўртасидаги горизонтал муносабатлар учун бозор кучи ва устунлик рақобат тўғрисидаги қонун учун деярли бир-бирини ўрнини босувчи ҳисобланади, лекин қонунни амалга ошириш стандартлари (андозалари) ўзгарувчан бўлади. Йирик етказиб берувчилар устун бўлган жойда уларни рақобатлашувчилар устидан назорати етказиб берувчини товари устидан бозор ҳукмронлигини амалга оширишда фойдаланиш мумкин, бунда ҳуқуқий аралаш ҳолатлари бозор ҳукмронлиги концепциясига ёхуд устунликка асосланиши мумкин. Ўрганилган итисодиётлар бозор ҳукмронлигини амалга ошириш, ёхуд ўз устун мавқеини суиистеъмол қилиш каби хатти-ҳаракатларни ман қилади.

Битта бозорда фирмалар ўртасидаги рақобатни сусайтирувчи ёки чекловчи биргаликдаги ёки жамоа хатти-ҳаракатларига горизонтал чеклаш дейилади. Монополияга қарши турли қонунларда келтириладиган турлича хатти-ҳаракатларнинг ҳеч қайсиси чекланган нархлар ёки ишлаб чиқарувчилар ўртасида бозорларни бўлиб олиш, ёхуд ўзаро рақобатлашувчи ишлаб чиқарувчилар ўртасида маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажмларини чеклаш каби хатти-ҳаракатлари рақобатга тубдан қарама-қаршидир. Нархни чеклаш ишлаб чиқарувчилар учун монополистни рақобат бозоридаги ҳулқини ўхшатиш имконини беради. Натижада харидорлар кичик ҳажмда ишлаб чиқарилган маҳсулот учун юқори нарх тўлайди. Жамият нуқтаи назаридан нархни рақобат даражасидан юқори бўлиши, бошқа фойдали битимларни тузиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш йўли билан иқтисодий фаровонлик даражасини пасайтиради.

Нархни чеклаш ва бошқа горизонтал чеклашларни тўғрилигини аниқлашга ёндашиш ўрганиб чиқилган мамлакатлар бўйича турлича. ЕҲ, АҚШ, Германия, Корея, Япония, Франция ва Канаданинг монополияга қарши қонунларига биноан горизонтал чекланган нархлар ёки келишиб олиш орқали нархни таклиф қилиш ўз-ўзидан ноқонунийдир ва кўпчилик ҳолларда жиноий жазони келтириб чиқаради. Айблаш учун монополияга қарши

конунга биноан ўзаро рақобатлашувчи етказиб берувчилар нархни белгилаш бўйича битим тузганини исботлаш етарли бўлади. Ва аксинча, Испания, Швеция ва Буюк Британияда нархларни горизонтал чекланиши оқилона ёндашиш қондаси стандартига (андозаси) биноан кўриб чиқилади. Баъзи бир ҳолатларда чекланган нархлардан монополияга қарши миллий қонун билан ҳимояланмаган, харажатлари хорижий истеъмолчилар зиммасига юклатиладиган чегараланган экспорт битимларига мувофиқ фойдаланилади. Нархни чеклаш рақобат мақсадларига мос тушади деган тушунча нотўғри бўлганлиги учун ҳам ушбу борада муҳокама ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Сўзсиз, нархни чеклаш мижозларни етказиб берувчилар ўртасида пастроқ нархлигини излаш билан боғлиқ харажатларни сақлаб қолади. Худди шундай, нархни чеклаш етказиб берувчилар ўртасидаги рақобатни маълум даражада камайтиради, ҳамда ҳар бир етказиб берувчи дуч келадиган таваккалчиликни даражасини пасайтиради.

Лекин шунга қарамасдан, ушбу омонатлар нархни чеклаш билан ушулаб туриладиган нарх устамасини қоплаш учун етарли бўлмайди. Горизонтал рақобатлашувчиларда нархларни монополия даражасидан паст қилиб чеклаш кам рағбатлайди, у айниқса потенциал рақобат бўлса, яъни монопол нархларни чув тушириши мумкин бўлса. Бундан ташқари, нархни чеклаш самараси паст етказиб берувчилар дуч келиши мумкин бўлган рақобат таваккалчилигини пасайтиради, самарали етказиб берувчилар эса ушбу курашда омон чиқиши ёки рақобат шароитларида курашишларига тўғри келади.

Ҳуқмронликни аниқлаш мураккаб бўлганлиги ва ҳар бир аниқ ҳолатда амалга оширилиши сабабли, ушбу чеклаш амалиётига ёндашиш тўғри ёндашишни қисқартирилган қондаси сифатида кўрилиши мумкин. Демак, маълум ҳолатда чеклашларни ҳуқуқийлиги тўғрисида қарор, ушбу фирма давлатга қарашлими ёки йўқлигини аниқлашни талаб қилади. Масалан, ЕҲ паралелл ёки бошқа импорт, нархни нотўғри ўрнатиш, истисно битимлар ёки

битим тузишдан бош тортиш буларни ҳаммаси агар ҳукмрон фирмалар улардан фойдаланса, стандартга асосан чеклашларга мисол бўлади. Германияда шарт қўйиш орқали шартнома тузиш, етказиб беришдан бош тортиш ва чегирмаларни маълум амалиёти одатда (кичик фирмалар фойдаланади) тўғри ёндашиш қонунчилигига биноан қўриб чиқилади ва агарда ундан ҳукмрон фирма фойдаланса у ҳолда ноқонуний ҳисобланди. Бозор ҳукмрончилигига асосланган рақобат тўғрисидаги қонунлар одатда иқтисодий самарадорликка ва истеъмолчиларни иқтисодий фаровончилигига эътибор қаратади.

Устунлик концепцияси бозор ҳукмрончилигини амалга оширишни қамраб олсада, устунликни маълум ҳолларда қўлланилиши охириги истеъмолчилар манфаатларини эмас, балки савдо бўйича ҳамкорларни юқори ва қуйи иерархияси манфаатларига таъсир кўрсатади. Бозор ҳукмрончилигига асосланган рақобат тўғрисидаги қонунлар, бунга АҚШ сиёсати гувоҳ бўлади, одатда самарадорликни ошириш сифатида вертикал интеграциялаштиришни баҳолайдилар. Ақсинча, устунликка асосланган қонунлар эса баъзан устун мавқега эга бўлган фирма вертикал интеграциялаштиришни вужудга келтирмоқчи бўлса, ушбу жараёни қийинлаштиради. Ўрганиб чиқилган иқтисодиётларни кўпчилигини кўрсатишича, устунлик концепциясига суяниш вақт бирлигида бозор ҳукмрончилигини кучайтириш сиёсатини амалга ошириш стандартларини ва рақобат тўғрисидаги қонун учун асос бўлган иқтисодий самарадорликни ўзгартирди.

Монополияга қарши бозорда етказиб берувчилар ўртасидаги горизонтал муносабатлар учун бозор қучи ва устунлик рақобат тўғрисидаги қонун учун деярли бир-бирини ўрнини босувчи ҳисобланади, лекин қонунни амалга ошириш стандартлари (андозалари) ўзгарувчан бўлади.

II. БОБ. “ЎЗБЕКЭНЕРГО” ДАК ФАОЛИЯТИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ ТАҲЛИЛИ

1. “Ўзбекэнерго” ДАК фаолиятининг бошқарув стратегияси таҳлили

Йирик ишлаб-чиқариш ва илмий-техник салоҳиятга эга бўлган мамлакатимиз энергетикаси - бутун халқ хўжалиги комплексининг ривожланишига салмоқли таъсир кўрсатиб келмоқда. Ялпи электрлаштириш Ватанимиз шаҳарлари ва вилоятларининг ишлаб чиқариши ва инфратузилмасини ривожлантиришга, халқ хўжалигининг барча тармоқларини индустриал юксалтиришга имкон берди.

Ўзбекистон электрэнергетикаси 2001 йилдан бошлаб “Ўзбекэнерго” Давлат акциядорлик жамияти шаклида фаолият кўрсатиб келмоқда ва ўз ичига кўмир саноати корхоналарини ҳам олган.

Корхона таркибига 53 та корхона ва ташкилот, шу жумладан 39 та очик акциядорлик жамияти, 11та унитар корхона, 2 та масъулияти чекланган жамият ва корхонанинг “Энергосотиш” филиали киради.

Ҳозирда хусусийлаштириш мумкин бўлган, корхона таркибига кирган корхоналарнинг иккитасидан ташқари ҳаммаси давлат тасарруфидан чиқарилган.

Халқаро тажриба ва замонавий назарий ишланмаларнинг кўрсатишича, табиий монополиялар тармоқларига нисбатан давлат иқтисодий сиёсатинингэнг самарали йўналиши уларни қайта таркиблаш (реструктуризациялаш), яъни уларни яшовчан ва самарали бўла оладиган бозор шароитларига келтириш ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳам бундай ёндашув амалга оширилабошланди. Масалан, агар ислохотлар амалга оширилгунга қадар энергетика вазирлиги ўз фаолиятини маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва уларга хизмат кўрсатадиган корхона сифатида бирлаштирган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 февралдаги «Ўзбекэнерго» Давлат Акционерлик Корхонасини ташкил қилиш тўғрисидаги қарорига мувофиқ, қуйидаги чоралар қабул қилинди:

- тартибга солинадиган ва тартибга солинмайдиган фаолият турлари ажратилди;

- ҳар бир фаолият тури бўйича мустақил корхоналар тузилиб, улар шартнома тизими асосида амал қила бошладилар;

- ишлаб чиқариш вазифалари транспорт ва тақсимлаш вазифаларидан ажратилди;

- ёрдамчи фаолият турлари ажратилган (таъмирлаш, қурилиш ва ҳоказо) бўлиб, улар ўзига хос йўналишга эга бўлса-да, рақобат тамойилларида амалга оширилиши мумкин;

- ижтимоий инфратузилма корхоналари муниципал мулкчиликка ўтказилди ёки маҳсулот ишлаб чиқарувчилар харажатларни камайтириш мақсадида хусусийлаштирилди.

Хулосаларни жамлаб, таъкидлаймизки, табиий монополия – бу иқтисодий ва ижтимоий тузумидан қатъий назар, барча мамлакатлар иқтисодиёти келишишга мажбур бўлган объектив ҳодисадир. Бундай шароитларда ҳам табиий монополиялар фаолиятидан зарарни кам даражага келтириш учун давлат томонидан тартибга солиш чораларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Йирик ишлаб-чиқариш ва илмий-техник салоҳиятга эга бўлган мамлакатимиз энергетикаси - бутун халқ хўжалиги комплексининг ривожланишига салмоқли таъсир кўрсатиб келмоқда. Ялпи электрлаштириш Ватанимиз шаҳарлари ва вилоятларининг ишлаб чиқариши ва инфратузилмасини ривожлантиришга, халқ хўжалигининг барча тармоқларини индустриал юксалтиришга имкон берди.

Ўзбекистон электр энергетикаси 2001 йилдан бошлаб “Ўзбекэнерго” Давлат акциядорлик жамияти шаклида фаолият кўрсатиб келмоқда ва ўз ичига кўмир саноати корхоналарини ҳам олган.

Корхона таркибига 53 та корхона ва ташкилот, шу жумладан 39 та очик акциядорлик жамияти, 11 та унитар корхона, 2 та масъулияти чекланган жамият ва корхонанинг “Энергосотиш” филиали киради. Ҳозирда

хусусийлаштириш мумкин бўлган, корхона таркибига кирган корхоналарнинг иккитасидан ташқари ҳаммаси давлат тасарруфидан чиқарилган.

Ҳозирги босқичда корхона халқ хўжалиги ва аҳолининг марказлаштирилган электр таъминотини амалга оширмоқда, шунингдек республиканинг айрим шаҳарларида саноат ва коммунал – маиший истеъмолчиларга иссиқлик энергиясини бермоқда.

Иқтисодий ислохотлар йиллари мобайнида соҳанинг энергетик корхоналари томонидан ҳар йили 48 млрд. кВт. соат электр энергияси ва 10 млн. Гкал. дан ортиқ иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилмоқда, бу эса иқтисодиёт ва аҳолининг электр энергиясига бўлган талабини тўлиқ қондирмоқда.

Ўзбекистон электр станцияларининг ўрнатилган қуввати 12,3 млн. кВт.дан ортади ва бутун Марказий Осиё Бирлашган энергетика тизимидаги ишлаб чиқариш қувватларининг деярли 50 фоизини ташкил этади.

Умумий ўрнатилган қуввати 12,0 млн. кВт. бўлган 39 та электр станцияларини ўз таркибига олган “Ўзбекэнерго” корхонаси амалий жиҳатдан республикада электр энергиясининг асосий ишлаб чиқарувчиси ва етказиб берувчиси бўлиб ҳисобланади. Ишлаб чиқариш қувватларининг таркибида корхонага қарашли электр станцияларининг улуши 3 фоиздан озроғини (320 МВт) ташкил этади.

Электр станцияларининг ўрнатилган қуввати республиканинг электр энергиясига бўлган тобора ўсиб бораётган талабини қондириш, электр энергиясини экспортга етказиб бериш мажбуриятларини бажариш ва мамлакатимизнинг энергетик хавфсизлигини таъминлаш учун етарлидир.

Ўзбекистон энергетика тизимининг асоси умумий қуввати 10,6 млн. кВт бўлган иссиқлик электр станцияларидир (ИЭС). Бешта йирик ИЭСда қуввати 150 дан 800 МВт гача бўлган энергоблоклар ўрнатилган. Булар Толимаржон, Сирдарё, Янги Ангрен ва Тошкент ИЭС каби йирик иссиқлик

электр станциялари бўлиб, 85 фоиздан ортиқроқ электр энергиясини ишлаб чиқаради.

1 – жадвал

Энергетика соҳасидаги ўсиш ҳажми⁶

Соҳалар:	1990 – 2010 йиларда (1990 йилга нисбатан)
Нефть ва газ конденсати қазиб олиш	1,4
Табиий газ ишлаб чиқариш	1,6
Суюлтирилган газ ишлаб чиқариш	15,2
Энергетиканинг турли соҳаларига йўналтирилган инвестицияларнинг ўсиши:	
Соҳалар:	1990 – 2010 йиларда (1990 йилга нисбатан)
Ёқилғи энергетикаси	11,8%
Транспорт ва алоқа	29,9%
Металлургия	5,5%

Корхонанинг барча гидроэлектр станциялари асосан ГЭСлар каскадларига бирлаштирилган ва сув оқими бўйича ишлайди. Чирчик дарёсининг юқори қисмида жойлашган энг йирик ГЭСлар (Чорбоғ, Ҳожикент, Ғазалкент) сув омборларига эгадир. Бу сув омборлари қувватни ростлаш режимида ишлашга имкон беради.

Электр энергиясини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган бирламчи энергия ресурслари таркибида газ улуши 90,8 фоизни, мазут улуши 5,3 фоизни, кўмир улуши 3,9 фоизни ташкил этади. Бу тенденция яқин келажакда ҳам сақланиб қолади – асосий ёқилғи табиий газ бўлиб қолади, ёқилғи балансида кўмирнинг улуши 10 – 12 фоизга ортади.

⁶ «Ўзбекэнерго» ДАК маълумотлари.


Республика истеъмолчиларига электр энергиясини узатиш ва тақсимлаш 0,4–500 кВ кучланишли электр узатиш линиялари орқали амалга оширилади. Корхонанинг электр узатиш линиялари узунлиги 235 минг километрдан зиёдрокдир. Республиканинг барча истеъмолчилари марказлаштирилган энергия таъминоти зонасига уланган.

Узунлиги 7,5 минг километр бўлган 220-500 кВ кучланишли электр узатиш линияларининг конфигурацияси энергетика тизимининг барқарор ишлашини, электр энергиясини электр станцияларидан юклама марказига узатишни, электр энергиясини чегарадош давлатларга транзит етказиб беришни таъминлайди.

Электр узатиш линиялари орасида энг тармоқланганлари 0,4-6-10 кВ кучланишли тақсимлаш тармоқлари ҳисобланади. Улар орқали республика истеъмолчиларига электр энергияси етказиб берилади.

1 – диаграмма

**“Ўзбекэнерго” ДАК корхонанинг электр станцияларида 2010
йилда ёқилғи истеъмолининг таркиби⁷**



⁷ “Ўзбекэнерго” ДАК маълумотлари.

Шуни таъкидлаш лозимки, етказиб бериладиган электр энергиясининг асосий ҳажми саноат корхоналари, қишлоқ хўжалиги истеъмолчилари ва аҳоли улушига тўғри келади. Республика бўйича бир йилда электр энергияси истеъмолининг солиштирма миқдори (аҳоли жон бошига) 1940 кВт.с.ни ташкил этади.

Республика халқ хўжалиги ва аҳолисини электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш, мамлакатимиз электроэнергетикасини барқарор ва самарали ривожлантириш учун қулай шароитларни яратиш мақсадида “Ўзбекэнерго” ДАК тизими бўйича 2010 йилгача бўлган даврга ишлаб чиқарувчи қувватларни ривожлантириш ва реконструкция қилиш дастури қабул қилинган. Соҳани ривожлантириш Дастурини амалга ошириш доирасида 2005 йилда Толимаржон ИЭСнинг 800 МВт қувватли 1-энергоблокини қуриш якунланди. Унинг ишга туширилиши билан электр энергиясини узатишдаги энергия исрофлари қисқарди.

Блокнинг 700 кВт гача юклама билан барқарор ишлаши 2010 йил давомида 4,8 млрд. кВт.с.дан кўпроқ электр энергиясини ишлаб чиқаришга имкон яратди. Бундан ташқари, мазкур энергоблокнинг ишга туширилиши Самарқанд – Бухоро минтақасидаги истеъмолчиларни электр энергияси билан узлуксиз таъминлашга кўмак берди, натижада энергетика тизимининг марказий қисмидан электр энергиясини узатиш зарурати барҳам топди. Электр энергиясини узатишдаги энергиянинг технологик исрофлари қисқарди, бундан ташқари, 230 минг тоннадан зиёд шартли ёқилғини қўшимча тежашга эришилди; электр тармоқлари режимларининг оптимал параметрлари таъминланди.

Толимаржон ИЭСнинг фаолият кўрсатиши электр энергиясини ишлаб чиқариш балансида, умуман олганда, шартли ёқилғи солиштирма сарфининг 8,0 т/кВт.с.га камайишини таъминлайди.

Қуйидаги жадвалда эса “Ўзбекэнерго” ДАК фаолиятининг 2012 йил якунлари бўйича молиявий ҳолати келтириб ўтилган.

**“Ўзбекэнерго” ДАК нинг 2012 йил якунлари бўйича молиявий
ҳисоботи (минг сўм)⁸**

Кўрсаткичлар номи	2011 йил		2012 йил	
	Даромадлар	Харажатлар	Даромадлар	Харажатлар
Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум	2 486 306 851		2 703 537 513	
Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг тан нарҳи		2 125 172 662		2 394 392 083
Маҳсулотларни сотишнинг ялпи фойдаси	361 134 189		309 145 430	
Давр харажатлари		63 907 991		99 487 741
Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	207 356		2 674 558	
Асосий фаолиятнинг фойдаси	297 433 554		212 332 247	
Молиявий фаолиятнинг даромадлари	41 491 623		41 480 562	
Молиявий фаолият бўйича харажатлар		32 208 462		28 178 048
Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси	306 716 715		186 003 801	
Фойда ва бошқа солиқлар, мажбурий тўловлар		50 499 382		30 858 375
Ҳисобот даврининг соф фойдаси	256 217 333		155 145 426	

Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банкининг кредити ҳисобига Сирдарё ИЭСда ҳар бирининг қуввати 300 МВт бўлган иккита (7 ва 8 сонли)

⁸ «Ўзбекэнерго» ДАК маълумотлари.

энергоблокнинг реконструкцияси якунланди, бу эса ҳар бир блокнинг лойиҳавий қувватини тиклашга ва ёқилғининг солиштира сарфини 40 г/кВт. соатга камайтиришга имкон яратди.

Ҳозирги вақтда халқаро кредит институтларининг ресурсларини жалб қилган ҳолда қатор инвестиция лойиҳалари ҳаётга татбиқ этилмоқда. Қуввати 370 МВт бўлган буғ-газ қурилмаси негизида энергия ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологияларни жалб қилган ҳолда Тошкент ИЭСни модернизациялаш ишлари бошлаб юборилди. Реконструкция ва модернизация қилиш жараёнида Навоий ИЭС, Муборак ва Тошкент ИЭМда ишлаб чиқариш ускуналарини янгилаш ҳам кўзда тутилмоқда.

Самарқанд вилоятида умумий қуввати 1002 МВА бўлган икки трансформаторли 500 кВ Сўғдиёна нимстанцияси қурилишининг якунланиши ва ишга туширилиши билан истеъмолчиларга етказиб берилаётган электр энергиясининг сифатини ошириш, электр энергиясини узатишдаги исрофларни камайтиришга эришилди.

Корхона ўзининг пудратчи ташкилотлари кучлари билан 220-500 кВ кучланишли тизимни ташкил этувчи магистрал тармоқларни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар комплексини амалга оширмоқда.

2. “Ўзбекэнерго” ДАК инвестицион барқарорлиги таҳлили

Инвестиция фаолияти ёқилғи балансида кўмрдан фойдаланиш улушини кўпайтириш, Фарғона водийси истеъмолчиларини энергия билан таъминлаш ишончилигини ошириш, энергетика тизимининг Марказий ва Жанубий-Ғарбий қисмлари ўртасида электр узатишини кучайтириш масалаларини амалга оширишга қаратилган.

Инвестиция фаолияти бўйича 2008 йилда молиялаштирилган барча манбалари ҳисобига 159,3 млрд. сўм капитал маблағлар ўзлаштирилди, шу жумладан корхонанинг ўз маблағларидан – 133,9 млрд. сўм, хорижий кредитлардан 14,14 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилди.

3 – жадвал

«Ўзбекэнерго» ДАК да 2012 йил учун инвестицион дастурининг бажарилиши⁹

Молиялаштириш манбаларининг Номлари	2012 йил		
	Режа	Амалда	Режага нисбатан амалда, % да
Капитал қўйилма, шу жумладан:	55187,3	59625,8	108,0
1.Марказлаштирилган инвестиция, жами шу билан бирга	3190	3365,4	105,5
-бюджет манбалари	1500	1500	100
- хориж инвестициялари ва ҳукумат кафолати бўйича кредитлар, млн. доллар	1690	1865,4	109,0
2. Марказлаштирилмаган инвестициялар, шу жумладан:	51997,3	56260,4	108,2
- корхона воситалари	51929	56126,7	108,1
- бошқа манбалар	68,3	133,7	195,8

⁹ «Ўзбекэнерго» ДАК нинг 2012 йилдаги маълумотлари.

2009 йилда энергетик корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига энергия ишлаб чиқарувчи қувватларнинг ускуналарини, иссиқлаштириш қурилмаларини реконструкция қилиш, электр тармоқларини, уй-жой объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ишларини ўтказиш назарда тутилмоқда. Соҳанинг ўз маблағлари ҳисобига капитал маблағлар ўзлаштириш прогнози тахминан 112,3 млрд. сўмни ташкил этади.

Корхона томонидан инвестиция лойиҳаларини юритишда қуйидагилар назарда тутилади:

- буғ-газ қурилмалари (ПГУ) негизида электр ва иссиқлик энергиясини аралаш ишлаб чиқаришнинг замонавий технологияларини жорий этиш;

- кичик ГЭСлар қуриш ва амалдаги кўмирда ишловчи электростанцияларда гидро энергоресурсларни реконструкция қилиш ва ёқилғи-энергетика балансида қаттиқ ёқилғи миқдорини кўпайтириш;

- энергия танқис бўлган энергобоғламларга электр қуввати ва энергияни узатиш учун тизимаро 220-500 кВ электр узатиш линияларини ва таянч нимстанцияларни, шунингдек чуқур кириткичли 110 кВ ёпиқ нимстанцияларни қуриш;

- маиший сектор истеъмолчиларини замонавий электрон электр ҳисоблагичлар билан жиҳозланган ва электр энергиясини тижоратли ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими (АСКУЭ)ни ташкил этган ҳолда электр энергиясининг истеъмолини ҳисобга олиш тизимини модернизациялаш.

Халқаро ҳамкорлик соҳасида корхонанинг бош стратегик вазифалари қуйидагилардан иборат:

- электр энергетикаси объектларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қуриш ва кенгайтириш лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш;

- техник инновация, энергияни тежаш ва энергетик ишлаб чиқаришнинг атроф муҳитга экологик таъсирини пасайтириш соҳасида, шу

жумладан Киото баённомасининг амалга оширилишини ҳисобга олган ҳолда, ҳамкорлик қилиш;

- МДХ доирасида интеграция жараёнларини ривожлантириш, Марказий Осиё минтақасида электр энергияси ва қувват бозорини шакллантириш йўлида меъёрий-ҳуқуқий базани уйғунлаштириш.

Корхонада соҳага хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган ишлар олиб борилмоқда. “Тошкент ИЭСни модернизациялаш” лойиҳасини амалга ошириш учун қуввати 370 МВт бўлган буғ-газ қурилмасини қуриш ишлари бошлаб юборилди. Қурилишни молиялаштириш Япония халқаро ҳамкорлик банки ва Ўзбекистон республикаси Тикланиш ва тараққиёт фондининг имтиёзли кредит ресурсларини жалб қилган ҳолда амалга оширилмоқда.

Навоий ИЭСни худди шундай модернизациялаш мўлжалланмоқда. Лойиҳанинг дастлабни ТИАси тасдиқланди, “қулф-калитгача” шартида қуввати 370-400 МВт бўлган буғ-газ қурилмасини қуришга бош пудратчини танлаш учун хорижий корхоналарни жалб этиш масаласи ишлаб чиқилмоқда.

Энергия ишлаб чиқарувчи қувватларни қуриш лойиҳаларни Киото баённомасининг Соф ривожланиш механизмини қўллаган ҳолда амалга ошириш назарда тутилмоқда.

Қуввати ва фойдали иш коэффиценти анъанавий буғ-турбина блоклариникига нисбатан анча катта бўлган юқори самарали буғ-газ қурилмалари негизида электр энергияси ва иссиқликни аралаш ишлаб чиқаришнинг замонавий технологияларни жорий этиш йилига 350 млн куб метрдан кўпроқ тежамкорликни таъминлаш имконини беради.

Буғ-газ қурилмасини қўллаш, шунингдек, газ турбинасидан ёниш камерасининг конструктив хусусиятлари ва самарали ёниш режими эвазига азот оксидлари эмиссиясини 1,5 - 2,0 маротаба қисқартиради, атмосферанинг ифлосланиш даражасини мавжуд вазиятга нисбатан деярли 2 маротаба пасайтиради.

Киото баённомасининг Соф ривожланиш механизми орқали, шунингдек, “Толимаржон ва Сирдарё ИЭСда детандер-генераторларни ўрнатиш” ва “Чирчиқ-Бўзсув трактида 8 МВт қувватли Камолот ГЭСни қуриш” лойиҳаларини ҳам амалга ошириш назарда тутилмоқда.

Ислон тараққиёт банки (ИТБ)нинг кредит ресурсларини жалб қилган ҳолда узунлиги 218 км бўлган “Сирдарё ИЭС-Сўғдиёна НС” 500 кВ ХЛ қурилиши амалга оширилмоқда. ИТБ билан биргаликда узунлиги 216 км бўлган “Сўғдиёна НС – Толимаржон ИЭС” участкасида 500 кВ ХЛни қуриш масаласи ишлаб чиқилмоқда, “Сурхон НС да АТ-2 билан Гузар НС – Сурхон НС” 500 кВ ХЛни (197 км) қуриш бошланди.

Тошкент шаҳрида қўйидаги объектлар комплексини қуриш амалга оширилмоқда: 220 кВ киритмалар билан 220 кВ Келес НС (2х200 МВА); “Тошкент ИЭС – Келес НС” 220 кВ ХЛ; 110 кВ ХЛ билан 110 кВ Навоий алмашлаб улаш пункти; 110 кВ КЛ (12 км) билан 110 кВ Сайилгоҳ НС (2х63 МВт). Ускуналар ва материалларни етказиб бериш учун лойиҳани ШХТ линияси бўйича Хитой Халқ Республикаси Ҳукуматининг қарз маблағларини жалб қилган ҳолда молиялаштириш назарда тутилмоқда.

Ёқилғи-энергетик балансида кўмир улушини ошириш мақсадида йил бўйи кўмир ёқишга қозонларни ўтказиш билан Янги Ангрен ИЭСни реконструкция қилиш бўйича ишлар бошланган. Хорижий капитал маблағларини жалб қилиш билан лойиҳани амалга ошириш мўлжалланмоқда. Корхона энергетика объектларини ва маиший сектори истеъмолчилари қурилмаларини ҳисобга олувчи замонавий электрон приборлари билан жиҳозлаб электр энергиясини ҳисобга олиш тизимини модернизация қилишни бошлади. Электрон электр ҳисоблагичлар жорий этилишига қараб уларнинг асосида электр энергиясини тижорат ҳисобга олувчи автоматлаштирилган тизими – АСКУЭни ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Ишларнинг ҳисобланган нархи 362,8 млн. АҚШ доллари эквиваленти миқдорида баҳоланмоқда, улардан 75% гача миқдори хорижий инвестициялар ҳисобига молиялаш мўлжалланмоқда.

Корхона Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ), Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) доирасида интеграция жараёнларини ривожлантиришда фаол қатнашади.

МДХ доирасида, МДХ электроэнергетик Кенгаши таркибида МДХ ва Балтия давлатларининг энергетика тизимлари, келажакда эса бошқа Европа давлатларининг энергетика тизимларини биргаликда ишлаши масалалари кўриб чиқилмоқда.

Ўзбекистон энергетика тизими эҳтиёжлари учун ҳар йили Россия Федерацияси, Украина ва бошқа давлатлардан ўнлаб миллион долларга ускуналар, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар, материаллар ва хом ашё етказиб бериши амалга оширилмоқда.

Электр энергияси салоҳиятини янада ошириш, истеъмолчиларни ишончли ва сифатли электр энергияси билан таъминлаш, тармоққа чет эли инвестицияларини жалб қилиш ва экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида 2010 йилда Республика Бошқармаси томонидан 2003 - 2012 йиллар учун Ўзбекистон Республикаси энергетикасида генерациялайдиган қувватларни қайта тиклаш ва ривожлантириш Дастури ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Дастурда асосий эътибор фаолият кўрсатаётган энергия берувчи объектларининг асосларини қайта тиклаш, ёқилғи – энергетика ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, электр энергия ишлаб чиқаришнинг янги технологияларини жорий этиш, атроф – муҳитга кучли экологик таъсирни камайтириш каби масалаларга қаратилган.

2011 йилда Европанинг Қайта Тиклаш ва Тараққиёт Банки берган кредитлар ҳисобига Сирдарё ИЭСда 300 МВт қувватли икки (№7 ва №8) энергия блоки қайта тикланиши тугатилди. Лойиҳанинг амалга оширилиши блок қувватини 60 МВт га кўпайтириб ва ёқилғи харажатларини 40 г/кВтс га

пасайтириб, электр блоклари ишларининг самарадорлигини муҳим даражада оширди.

Электр тармоқларининг қайта қурилиши ва ривожланиши куйидагиларни кўзда тутди: магистрал ва тақсимланган тармоқларнинг муқобил конфигурациясини шакллантириш, энергия тизимини ишга тушириш ишончилиги, электр энергияси узатувчи схема мослашувчанлигини ошириш ва энергия тугунларининг етишмаслигини, кўшимча қувват узатилиши ва йўқотилишини камайтириш. Умуман, юқоридаги ҳолатларни молиялаштиришда жами манбаининг учдан бир қисми хусусий маблағлар ҳиссасига тўғри келади, 10 - 12 фоизни марказлашган кредитлар ташкил этади ва қолган қисми – (ярмидан зиёдрок) чет эл ва товар кредитлари ҳисобига қопланади.

Бундан ташқари, тармоқ ривожланиши учун муҳим молиявий манбалардан бири корхона ташкилотларини хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлар ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 февраль 93-сонли «Ўзбекэнерго» ДАК фаолиятини ташкил этиш», 2004 йил 21 июнь 290-сонли ««Ўзбекэнерго» ДАК фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорларига ва «Энергетика тармоғи корхоналари ва ташкилотларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш давлат Дастури»га мувофиқ, тармоқларни қайта шакллантириш амалга оширилмоқда.

3. “Ўзбекэнерго” ДАК иқтисодий фаолияти таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоқларини таҳлил қилиш жараёнида «Республика энергетика мустақиллигига эришган тақдирдагина тўла мустақил бўла олади»¹⁰, деб таъкидлаган эдилар. Юртбошимизнинг бу фикри ҳаётий ҳақиқат эканлиги амалда намоён бўлмоқда. Йирик ишлаб чиқариш ва илмий-техник салоҳиятга эга мамлакатимиз электр энергетикаси миллий иқтисодиётнинг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Ҳамдўстлик давлатлари бўйича электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмининг 4 фоизи Ўзбекистон энерготизимининг зиммасига тушади. Асосий кўрсаткичлари бўйича мамлакатимиз Ҳамдўстлик давлатлари орасида Россия, Украина ва Қозоғистондан кейин тўртинчи ўринда туради.

Ўзбекистон электр энергетикаси 2012 йилда очик акциядорлик жамияти шаклида ташкил қилинган «Ўзбекэнерго» Давлат Акциядорлики Корхонаси доирасида фаолият кўрсатмоқда. Кўмир саноати корхоналари ҳам унинг таркибида бўлиб, корхона Ўзбекистон Республикаси энергетика ва электрлаштириш вазирлигининг қонуний вориси ҳисобланади. Бугунги кунда корхона таркибида 53 та корхона, шу жумладан, 39 та очик турдаги акциядорлик жамияти, 11 та унитар корхона, 2 та масъулияти чекланган жамият, шунингдек, «Энергосотиш» филиали мавжуд¹¹.

«Ўзбекэнерго» ДАК 12,0 млн. кВт қувватга эга бўлган 39 та электр станциялари билан амалда республиканинг асосий электр қувватини ишлаб чиқарувчи ва уни етказиб берувчи тармоқ ҳисобланади. Қолган идоравий электр станцияларнинг тизимдаги улуши салкам 3 фоиздан (320 МВт) иборат. Ўзбекистон энерготизимининг асосини жами 10,6 млн. кВт қувватга

¹⁰ Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. – Тошкент. “Ўзбекистон”. 2011 й.

¹¹ «Ўзбекэнерго» ДАК маълумотлари.

эга бўлган иссиқлик электр станциялари ташкил қилиб, 5 та йирик ИЭС гақуввати 150 дан 800 МВт га тенг энергоблоклар ўрнатилган.

Электр ва иссиқлик ишлаб чиқарувчи ИЭСларда бирламчи энергоресурслар тизимида газли иссиқлик 86 фоизни, мазут қарийб 9 фоизни, кўмир 5 фоизни ташкил қилади. Электр станциялари бўйича қуйидагича тақсимланган: ИЭС 86 фоиз, ГЭС 11,5 фоизни, блокстанция 2,5 фоизни ташкил қилади. Бу анъана яқин истиқболда ҳам сақланиб қолади, таҳлилларга кўра, иссиқлик электр станцияларидаги асосий захира табиий газ ўлиб қолади ва иссиқлик балансида кўмирнинг ҳиссаси 10-15 фоиздан ошмайди.

Республикамизда электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқариш қуввати, уларга бўлган талабининг ўзгариб бориши, улардан олинадиган даромад ва рентабеллик кўрсаткичлари ҳолати ҳамда электр ва иссиқлик энергиясининг ўртача тарифлари таҳлил қилинди.

2007 йилда 47,9 млрд. кВтс ташкил қилган бўлса, 2012 йилда корхона электрстанциялари томонидан 48,950 млрд. кВтс электр энергияси ишлаб чиқарилган, яъни, 2007 йилга нисбатан 2,2 фоизга ошган. Сабаби, республикамизда ва қўшни республикаларда электр энергияга бўлган талаб ошиб бормоқда. Лекин, республикада электр энергия истеъмоли 2007 йилд 49,2 млрд. кВтс бўлган бўлса, 2009 йилдан бошлаб истеъмол камайиб бораётганлигини, яъни 2012 йилда ҳам 40,3 млрд. кВтс ни ташкилқилганлигини кўришимиз мумкин. Бунга сабаб, электр энергиясининг тарифлари ошиб бораётганли ҳамда республикада истеъмолчилар томонидан истеъмол қилинган электр энергияси тўловларини ўз вақтида тўламасликлари сабаб бўлмоқда.

Ҳукуматлараро шартномаларга мувофиқ ҳар йили Тожикистон, Қирғизистон ва Афғонистонга 16939,4 минг АҚШ долл. суммаси атропоида электр энергияси экспорти амалга оширилади.

2011 йил 1 январ ҳолатига кўра, 42 та давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналардан 40 таси бошқа мулкчилик шаклларига айлантирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусийлаштириш ва 2009-2012 йилларда чет эл инвестицияларини жалб қилиш жараёнларини янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» қарорига кўра¹², «Ўзбекэнерго» ДАК томонидан 2008 йил 20 июлдан бошлаб, 2009– 2012 йиллар давомида давлат акция пакетларини 23 та энергетика тармоғи акциядорлик жамиятларига сотиш кўзланган. Кутилаётган тушумлар ҳажми 1 млрд. АҚШ долларни ташкил этиши кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, 8 та қурилиш ва таъмирлаш корхоналарининг «Ўзбекэнерго» ДАК устав фондига берилган акциялари пакетларининг сотилиши кўзда тутилган. Шундан «Гидромахсусқурилиш», «4-сонлимонтаж бошқармаси», «Ўзэнерготаямирлаш», «Ўзбекэнерготаямир», «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» акциядорлик жамиятларининг акциялар пакетларини сотиш бўйича республика тендер комиссияси томонидан қарор қабул қилинган ва тендер эълон қилинган.

2012 йил давомида 9,6 млрд. сўмлик акциялар, яъни 7,8 млн. АҚШ долл. миқдорида сотилди. Шу жумладан, «Фарғона ЭТ», «Бухоро ЭТ» ва «Энергоимпэкс» акциядорлик жамиятларининг давлатга тегишли акцияларпакети, мос равишда, 3,75 млн., 4,06 млн. АҚШ доллари ва 237,9 млн. сўм миқдорда сотилиб, улар тўлиқ давлат тасарруфидан чиқарилди. Шу билан бир қаторда, молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобига инвестиция фаолияти бўйича 2012 йил давомида 59,6 млрд. сўмлик капитал қўйилмалар (йил прогнозига нисбатан 108 фоиз), шу жумладан, корхонанинг 56,3 млрд. сўмлик хусусий маблағлари (108,2 фоиз) ўзлаштирилди. 800 МВт генерацияловчи қувватлар, 551 МВА трансформатор қувватлари, 324,9 км электр узатиш линиялари фойдаланишга топширилди.

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2007-2010 йилларда хориж инвестицияларини фаол жалб қилиш ва хусусийлаштириш бўйича меъёрлари”. 2007 йил 20 июл № ПФ – 672 – сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511 - сонли «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоблар механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 512-сонли «Электр энергиясини сотиш ва фойдаланишни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини мустаҳкамлаш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорларига мувофиқ, 2005 йилдан бошлаб электр энергияси ишлаб чиқарувчи корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Энергия сотиш соҳасида иш самарадорлигини ошириш учун ходимлар мажбуриятлари ва жавобгарликларини, шу жумладан, маъсул шахсларнинг ишлаб чиқарилаётган ва жўнатилаётган электр энергиясининг сақланувчанлиги учун моддий жавобгарлигини пухта тақсимлаган ҳолда энергия сотиш бўлимларининг янги таркиби жорий этилди.

Энергия тежамкорлиги вазифаларини муваффақиятли бажариш учун биринчи галда барча категориядаги истеъмолчиларни замонавий қурилма ва электр қуввати сарф-харажатини ҳисобловчи воситалар билан таъминлаш зарур. 2008 йилнинг 1 ноябридан республика ҳукумати томонидан қабул қилинган қарорга мувофиқ, мазкур вазифалар 2012 йилгача ҳал этилиши кўзда тутилган эди. Ҳукумат қарорини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида энергетика корхоналари электр қувватини ҳисобга олиш учун кўп қувватли, шунингдек, алоҳида турар-жойларга корхона ҳисобидан юқори самарадор қурилмалар ўрнатиш вазифаси ҳам 2012 йилга бориб тўла – тўқис бажарилиши зарур эди, лекин амалда бундай бўлмади. Корхона, ўз навбатида, Ўзбекистон табиий сув оқимларининг гидроэнергетика қувватидан фойдаланиш лойиҳасини яқунламоқда.

Мазкур лойиҳа натижасида иқтисодий самарали кичик ГЭСлар қуриш имконияти ўрганилади, пировардида, улар тармоқни ривожлантириш дастурига киритилади. Ўзбекистонда янги энергия манбаларидан фойдаланишнинг улкан имкониятлари мавжуд. Мутахассисларнинг фикрига

кўра, (2002 йил Тасис лойиҳаси), Ўзбекистондаги янги энергия манбаларининг техник захираси 179,0 млн. тонна шартли ёқилғи миқдорида белгиланган. Бугунги кунда ана шу миқдордан бор - йўғи 0,6 млн. тонна шартли ёқилғи миқдорида фойдаланилмоқда.

4 – жадвал

“Ўзбекэнерго” ДАК нинг молиявий ҳолати (2002 – 2012 йилларда)¹³

	2002 йил	2007 йил	2012 йил
Корхона буғалтерия балансининг актив ва пасивлари ҳажми	647009,4 млн	-	1347030,9 млн
Дебиторлик қарзлари	-	204817,3 млн	902175,8 млн
Кредиторлик қарзлари	266527,3 млн	-	774274,4 млн
Ўзлик маблағларининг манбалари	333885,0 млн	521632,1 млн	-
Узоқ муддатли кредитлар ва қарзлар	-	42834,6 млн	45075,8 млн
Заҳира ва харажатлар (жами)	30971,5 млн	-	255,7 млн

Янгича иш юритиш шароитида корхоналар мулкнинг таркибини ўрганиш ва уни кўпайтириш йўллари аниқлаш хўжалик фаолиятининг таҳлилида муҳим ўрин тутди. Айниқса, балансга қараб, корхона мол-мулки ва бойлигининг таркибини кузатиш, соф маблағ ҳолатини аниқлаш, имконият меъёрини ўлчашга ёрдам беради. Корхонанинг 2007 - 2012 йиллардаги бухгалтерия балансининг актив ва пасив қисми таҳлил қилинди. Аниқланишича, корхона активлари жами 2002 йилда 647009,4 млн сўмни ташкил қилган бўлса, 2012 йилда 1347030,9 млн. сўмни ташкил қилган. Корхона фаолияти учун корхона бойлигининг кўпайганлиги ижобий ҳолдир. Мулкнинг кўпайиши оборот активлар ҳисобига бўлган. Дебиторлик қарзлари 2007 йилда 204817,3 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2012 йилда 902175,8 млн сўмни ташкил қилган. Бозор иқтисодиёти шароитида рентабеллик фойда олиш даражаси, сарфланган харажат ёки капитал ҳисобига тўғри келадиган

¹³ «Ўзбекэнерго» ДАК маълумотлари.

foyda хажмини белгилайди. Иқтисодий адабиётларда рентабелликни аниқлашнинг бир қанча кўрсаткичлари келтирилган.

5-жадвал

«Ўзбекэнерго» ДАК да маблағларнинг ҳаракатчанлик коэффиценти¹⁴

№	Кўрсаткичлар	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2012 йилнинг 2007 йилда- гидан фарқи
1	Активларнинг айланиш коэффиценти	1,52	1,59	1,59	1,54	1,62	1,46	- 0,06
2	Ўзига қарашли капиталларнинг айланиш коэффиценти	1,10	1,20	1,19	1,48	2,12	2,32	1,22
3	Ишлаб чиқариш заҳираларининг айланиш коэффиценти	9,56	8,68	7,70	6,28	15,88	14,46	4,9
4	Заём маблағларининг айланувчанлик коэффиценти	1,16	1,31	1,40	1,59	1,79	1,47	0,31
5	Дебиторлик қарзларининг айланиш куни	202,2	183,6	175,6	184,6	348,0	268,6	66,4
6	Кредиторлик қарзларининг айланиш куни	1714,3	1636,4	330,3	313,0	229,3	276,9	-1437,4


Бу кўрсаткичларни ўрганиш корхонанинг рентабеллик даражаси, иқтисодий самарадорлиги, қўшимча олинган қиймат ва жамғармалардан оқилона фойдаланганлигини баҳолашга ёрдам беради. «Ўзбекэнерго» ДАКнинг 2007 – 2012 йиллардаги рентабеллик кўрсаткичларининг таҳлили кўрсатишича соф фойда 2007 йилда - 32372,9 млн. сўмга қарз билан чиққан бўлса, 2008 йилда 10118,1 млн. сўмни, 2012 йилда эса 138603,2 млн. сўмни

¹⁴ «Ўзбекэнерго» ДАК маълумотлари.

ташкил қилган. Сотишдан тушган соф тушум 2007 йилда 366072,8 млн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2012 йилда 1212705,5 млн. сўмни ташкил қилган. Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш тан нархи 2007 йилда 291112,8 млн сўмни, 2012 йилда 1010954,5 млн. сўмни ташкил қилган, яъни, 719841,7 млн сўмга ошганлиги кўриниб турибди. Мол-мулк рентабеллиги 2008 йилда 0,02 фоизни ташкил қилган бўлса, 2012 йилда 0,10 фоизни ташкил қилган.

2 – диаграмма

Иқтисодиёт соҳалари ва аҳоли бўйича 2006 йилда электр энергияси истеъмолининг таркиби¹⁵



Таҳлиллардан кўриниб турибдики, ҳозирги пайтда Ўзбекистон электр энергетика тизими чуқур инқироз ҳолатини бошдан кечириб, охириги йилларда унинг аҳволи секин-аста яхшиланиб бормокда. «Ўзбекэнерго» ДАК ва унинг шўъба жамиятларининг оғир молиявий - иқтисодий аҳволи

¹⁵ «Ўзбекэнерго» ДАК маълумотлари.

республика иқтисодиётининг умумий муаммолари ҳамда қуйидаги қатор ўзига хос омиллар билан белгиланмоқда:

- энергетика соҳасига Ўзбекистон иқтисодиётининг донори сифатидаги муносабат сақланиб қолмоқда;

- ишлаб чиқариш ҳамда электр ва иссиқлик энергияси харажатларини коплашни, асосий ишлаб чиқариш фондларини тиклаш ва ривожлантиришни таъминламайдиган қаттиқ тариф сиёсати олиб борилмоқда. Тарифларни тартибга солиш кўп ҳолларда иқтисодий тамойилларига эмас, балки бозор ҳолатига боғлиқ бўлиб қолмоқда;

- электр энергиясига тарифларни турли даражаларда тартибга солишни мувофиқлаштириш таъминланмаяпти. Минтақавий ҳокимиятлар томонидан ўтказилаётган энергия сиғимли иқтисодиётни тарифли кредитлаш сиёсати энергияни тежайдиган технологияларни рағбатлантирмайди, шу орқали муаммони ичдан кучайтирмоқда;

- давлат бюджети томонидан молиялаштириладиган айрим тармоқларда қарзлар тўпланиб қолмоқда ва ўсишда давом этмоқда. Бу эса тўлолмаслик инқирозини вужудга келтириб, энергетика корхоналарида айланма маблағларнинг етишмаслигига олиб келмоқда ва уларнинг молиявий барқарорлигини анча пасайтирмоқда;

- электр энергетикаси корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини оширишни рағбатлантирмайдиган амал қилиш харажатли механизми ҳамон сақланиб турибди;

- электр энергетикаси корхоналарини бошқариш самарали таркибини шакллантириш ҳали якунлангани йўқ.

Тарифларни ташкил қилиш харажатли тизимининг мавжудлиги самарали хўжалик юритишга рағбатларни йўққа чиқармоқда. Корхоналар вертикал интеграцияси ва бунинг натижасида уларнинг жозибасизлиги самарасиз харажатларнинг ҳақиқий кўламларини белгилаш имконини бермайди, бу эса ҳар хил турдаги бизнесни субсидиялашга олиб келмоқда.

**“Ўзбекэнерго” ДАК нинг 2012 йил якунлари бўйича буггалтерия
баланси (пассивлар, минг сўм)¹⁶**

Кўрсаткичлар номи	2011 йил	2012 йил	Кўрсаткичлар номи	2011 йил	2012 йил
Пассив					
Ўз маблағлари манбалари			Мажбуриятлар		
Устав капитали	344 171 220	344 171 220	Узоқ муддатли мажбуриятлар	1 535 439 704	2 239 224 670
Резерв капитали	60 066 132	59 703 381	Жорий мажбуриятлар	2 019 096 329	1 944 483 509
Тақсимланмаган фойда	952 557 646	1 082 010 691	Бўлим бўйича жами:	3 554 536 033	4 183 708 179
Мақсадли тушумлар	81 058 188	163 667 457	Баланс пассив бўйича жами:	4 992 389 219	5 833 260 928
Бўлим бўйича жами:	1 437 853 186	1 649 552 749			

Электр энергияси тизимини ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб – қувватлаш механизмнинг сақланиб қолинаётганлиги натижасида, инвестициялар ҳажмининг мунтазам равишда пасайишига олиб келмоқда. Электр энергетикаси ускуналарининг жадаллашган эскириши давом этмоқда.

Ҳозирги вақтда бу эскириш «Ўзбекэнерго» ДАК бўйича 60 фоиздан 75 фоизгачани ташкил этади¹⁷. Электр станциялари эга бўлган қувватларнинг

¹⁶ «Ўзбекэнерго» ДАК маълумотлари.

пасайиш тенденциясининг сақланиб қолаётганлиги ҳатто қисқа муддатли истиқболда ҳам электр энергиясига ўсиб бораётган талабни қондириб бўлмаслигига олиб келиши мумкин.

7 – жадвал

**“Ўзбекэнерго” ДАК нинг 2012 йил якунлари бўйича буғгалтерия
баланси (активлар, минг сўм)¹⁸**

Кўрсаткичлар номи	2011 йил	2012 йил	Кўрсаткичлар номи	2011 йил	2012 йил
Актив			Жорий активлар		
Узоқ муддатли активлар			Товар-моддий захиралар	40 326	47 317
Асосий воситаларнинг қолдиқ (баланс) қиймати	213 838	176 891	Келгуси давр ҳаражатлари	99 081 914	98 970 141
Узоқ муддатли инвестициялар	1 325 940 505	1 376 230 283	Кечиктирилган ҳаражатлар	16 047 695	7 369 606
Капитал қўйимлар	35 987 149	53 501 112	Пул маблағлари	61 071 529	59 098 949
Узоқ муддатли дебитоолик қарзлари	721 758 372	1 113 750 925	Дебитор қарздорлик	2 423 460 957	2 507 894 182
Узоқ муддатли кечиктирилган ҳаражатлар	308 786 934	616 221 522	Бўлим бўйича жами:	2 599 702 421	2 673 380 195
Бўлим бўйича жами:	2 392 686 798	3 159 880 733	Баланс активи бўйича жами:	4 992 389 219	5 833 260 928

¹⁷ «Ўзбекэнерго» ДАК нинг 2011 йиллик ҳисоботлари маълумотлари.

¹⁸ «Ўзбекэнерго» ДАК маълумотлари.

Республика иссиқлик энергетикаси олдида турган ҳамда катта молиявий ва моддий харажатларни талаб қиладиган асосий муаммолар орасида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- эскирган ускуналарни реконструкциялаш ва модернизациялаш, техник қайта қуроллантиришни ўтказиш;
- газ турбинали ва буғ газли қурилмаларни қўллаш орқали электр энергиясини ишлаб чиқариш самарали замонавий технологиялардан фойдаланиш;
- иссиқлик электр станцияларининг атроф - муҳитга зарарли таъсирини камайтириш.

Тариф белгилашнинг амалдаги тизими талаб қилинадиган инвестицион таркибий қисмни кўзда тутмайди. Техник қайта қуроллантиришни олиб боришга кўмаклашадиган молиявий воситалар ҳозирча яратилган бўлишига қарамай, индикатив режалар доирасида инфляция билан курашиш учун тарифлар ўсишини сунъий пасайтирилиши асосий воситаларни таъминлаш ва модернизациялашни қолдиқ принципи бўйича молиялаштириш механизмига олиб келмоқда.

«Ўзбекэнерго» ДАК электр энергетикасини ривожлантиришнинг учустувор йўналиши бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда:

1. Энергетика объектларини техник қайта қуроллантириш ва модернизациялаш. Бу электростанцияларнинг эскирган ускуналарини янгилашни, замонавий технологияларни жорий этишни, электр энергиясини ишлаб чиқаришга ёқилғи сарфи салмоғини пасайтиришни, технологик ускуналарни таъмирлаш ва ўзгартириш тадбирларини амалга оширишни, иссиқлик электростанцияларида турбиналарни, иссиқлик узатиш тизимини реконструкциялаш ва бошқа ишларни кўзда тутати.

2. Электр тармоқларини реконструкциялаш ва янада ривожлантириш электр энергияси узатиш линиясининг ишончлилигига, эгилувчанлигини

ошириш ва «табiiй йўқотишларни» камайитиришга, магистрал ва тақсимлаш тармоқлари оптимал конфигурациясининг шаклланишига олиб келади.

3. Генерацияловчи қувватлар янги манбаларининг қурилиши генерацияловчи қувватлар ускуналарининг қайта ишланган ҳисоблаш энергоресурсини алмаштиришни, электр энергияси истеъмолининг ўсиш эҳтиёжларини қондириш, электр энергиясини ишлаб чиқаришда замонавий технологияларни жорий этишни, энергетика объектларининг атроф – муҳитга экологик таъсирини камайитиришни кўзда тутди.

«Ўзбекэнерго» ДАКнинг тижорат қоидалари бўйича ишлашга ўтказиш ва энерготизимни электр энергияси рақобатли бозори шароитида ишлашга тайёрлаш мақсадида бошқарув ташкилий - таркибини такомиллаштириш, молиявий режалаштириш, бухгалтерия ҳисоби, инвестицион режалаштириш каби масалаларни ҳал қилиш учун ёрдам кўрсатилиши зарур.

Бундай шароитда амалдаги электр станцияларини технологик қайта жихозлаш, реконструкция қилиш ва янги қувватларни ишга тушириш бўйича чоралар кўриш тўғрисидаги масалалар долзарб бўлиб турибди.

2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси энергетикасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Унга кўра, энергетика соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланиши зарур:

- энергетика тармоқларини монополиядан чиқариш тадбирларини секин - аста амалга ошириш, давлат томонидан тартибга солиш даражасини пасайтириш, электр энергиясини сотиш, хўжалик субъектларининг электр узатиш йўналишига тенг кириш имкониятлари ва шароитларини таъминлаш;

- энергетика тармоғи йирик корхоналарини - иссиқлик электр станциялари, иссиқлик энергияси марказларини, электр тармоқлари корхоналарини босқичма - босқич акционерлаштириш;

- лойиҳа, қурилиш - монтаж ва таъмирлаш ишларини амалга оширадиган корхона ва ташкилотлар, ижтимоий инфратузилма объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, уларнинг негизида нодавлат мулкчилиги шаклидаги корхоналарни, шу жумладан, хусусий корхоналарни тузишни тезлаштириш;

- энергетика корхоналарини акционерлаштириш, генерацияловчи қувватлар ва электр тармоқларини реконструкциялаш, техник қайта қурулантириш ва янада ривожлантириш жараёнига хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш;

- электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва сотиш бўйича хўжалик алоқалари ҳамда бошқарув тизимида бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш;

- энергетика қувватлари ва кўмир саноатининг мувозанатлашган ривожланишини таъминлаш.

Эскирган электр энергиясини ишлаб чиқарувчилар ва узатувчилар асбоб - ускуналарнинг ишлаш қобилиятини ошириш ва модернизациялаш учун алоҳида тугун ва қисмларни алмаштириш орқали мавжуд иссиқлик электр станцияларида мажмуавий тадбирлар ўтказилиши кўзда тутилган. Кўрсатилган тадбирларни амалга ошириш ишлаб турган электр станциялари қувватларини ошириш ва ускуналар ресурсларини яна бир қанча йилга узайтириш имкониятини беради.

III-БОБ. ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР ШАРОИТИДА МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ БОШҚАРУВ МУАММОЛАРИ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

1. Монополияга қарши бошқарув муаммолари

Монополияга қарши бошқарувнинг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини яратиш, унинг фаолиятини тартибга солишда давлатнинг аралашуви хусусий ва ижтимоий секторлар фаолиятини мувофиқлаштириш, миллий ва халқаро иқтисодиёт миқёсида ижтимоий меҳнат тақсимотининг мутаносиб ривожланишини таъминлашда долзарб ҳисобланади. Шулар боис, барқарор иқтисодий тараққиётни ташкил этиш ва бозор мувозанатига эришишда, жамият аъзоларининг эҳтиёжларини оқилона қондириш даражасини ошириш вазибаларини ҳал этишда миллий иқтисодиётни монополияга қарши сиёсатни такомиллаштириш зарурияти ортмоқда.

А. Смит давлатнинг иқтисодий жараёнларга ҳар қандай аралашуви охиросида фақат вазиятни ёмонлаштиради, деб ҳисоблайди. Масалан, давлат томонидан белгиланган ташқи савдо тартиб-қоидалари миллий истеъмолчиларга зарар келтириши мумкин. ҳақиқатдан ҳам, импортга бож тўлови миллий ишлаб чиқарувчиларга устунлик бериб, уларнинг чет эллик шерикларига нисбатан рақобатлашув қобилиятини оширади. Аммо бу охиросида ишлаб чиқаришнинг анча юқори харажатлари ва паст сифатини сақлаб қолишга олиб келади. Бунда паст сифатли ва нархи қиммат товарларни сотиб олишга мажбур бўлган миллий истеъмолчилар ютқазади.

Давлатнинг иқтисодиётдаги ролини ошириш масаласи Джон М. Кейнснинг “Иш билан бандлик, процент ва пулнинг умумий назариялари” номли китобида ўз аксини топди (1936 йил). Бу китобда муаллиф давлат фиссал (ҳазинавий) ва кредитли тартибга солиш воситаларидан фойдаланиб, жамиятнинг ялпи талабини рағбатлантиришни ва аҳолининг иш билан

бандлигини таъминлаш зарурлигини ифодалайди.

Бозор хўжалик шароитида иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш қонунчилик, ижро этиш ва назорат қилиш хусусиятларида тадбирлар тизимидан иборат бўлади.

Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг объектив имконияти иқтисодий ривожланиш, ишлаб чиқариш ва капитал тўпланиши маълум даражага эришганда вужудга келади. Иқтисодий ривожланишда қийинчиликлар ўсиб ва зиддиятлар тўпланиб бориши бу имкониятларни ҳақиқатга айлантиришни зарур қилиб қўяди.

Ҳозирги шароитда иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш такрор ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бир қатор вазифаларни ҳал қилишга қаратилади. Булар жумласига иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, бандликни тартибга солиш, тармоқ ва минтақавий тузилмалардаги ижобий силжишларни қўллаб-қувватлаш, экспортни ҳимоя қилиш кабиларни киритиш мумкин.

Иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибга солинишининг асосий мақсади иқтисодий ва ижтимоий барқарорликни таъминлаш, мавжуд тизимни мустаҳкамлаш (мамлакат ичида ва халқаро майдонда) ва ўзгариб турувчи шароитга мослаштириш ҳисобланади.

Бу асосий мақсаддан бир қатор аниқ мақсадлар келиб чиқади. Улар таркибига иқтисодий циклни барқарорлаштириш; миллий хўжаликларнинг тармоқ ва минтақавий тузилишини такомиллаштириш; атроф-муҳит ҳолатини яхшилаш кабиларни киритиш мумкин. Бозор хўжалиги шароитида давлатнинг иқтисодий вазифалари асосан бозор тизимининг амал қилишини енгиллаштириш ва ҳимоя қилиш мақсадига эга бўлишдир. Бу соҳадаги давлатнинг иқтисодий вазифаларидан қуйидаги икки турини ажратиш кўрсатиш мумкин:

- Бозор тизимини самарали амал қилишига имкон яратувчи ҳукуқий

асос ва ижтимоий муҳитни яратиш;

- Рақобатни ҳимоя қилиш.

Давлатнинг бошқа вазифалари иқтисодий тартибга солишнинг умумий қоидаларидан келиб чиқади:

- Даромад ва бойликни қайта тақсимлаш;
- Ресурсларни қайта тақсимлаш;
- Иқтисодий барқарорлаштириш, яъни инфляция ва бандлик даражаси устидан назорат ўрнатиш ва иқтисодий ўсишни рағбатлантириш.

Рақобат бозор иқтисодиётининг асосий белгиларидан бири, деб таърифласак ҳам бўлади. Рақобат шароитида ишлаб чиқарувчилар доимо харидорлар ёки истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини олдиндан билиб, уларнинг молиявий аҳволига мос маълумот ишлаб чиқарилишини талаб қилади. Бундан маълум бўладики, рақобат шароитида ишлаб чиқарувчиларнинг харидорларга бўйсунди. Рақобат шароитида кўплаб харидорлар билдирган талаб ва сотувчиларнинг таклифи бозор нархларини белгилайди. Рақобат шароитида харидорлар шох, ишлаб чиқарувчилар уларнинг хизматкоридир. Аммо монополияда аксинча жараён кузатилади. Яъни, эндибозор харидорларнинг хоҳиш-истаги эмас, ишлаб чиқарувчининг хоҳиш-истаги асосида амалга оширилади. Бошқача қилиб айиганда, монопол ҳукмдор, харидор унга бўйсинувчидир.

Монополиялар ўзларининг таклифлари умумий ҳажмини тартибга солиш лаёқатидан фойдаланиб, маҳсулот ҳажмини сунъий чеклаш орқали уларга анча юқори нарх белгилаш ва шу орқали барқарор фойда олиши мумкин. Бозор муносабатлари тизимида монополиялар устидан икки усулда назорат шрнатилади.

Биринчи усулда, технология ва иқтисодий шароитлар “рақобатли бозор мавжуд бўлиш имкониятини йўққа чиқарувчи табиий монополиялар”, деб ном оладиган тармоқларда давлат нархларини тартибга солади ва кўрсатилган

хизматлар андозалари ўрнатилади. Транспорт, алоқа, электр қуввати, ишлаб чиқариш ва бошқа ижтимоий фойдаланишдаги корхоналар маълум даражада шундай тартибга солинади.

Иккинчи усулда, самарали ишлаб чиқариш жуда кўпчилик бозорларда рақобат ривожининг жуда юқори даражасини таъминлаш сабабли давлат рақобатини кучайтириш ва ҳимоя қилиш мақсадида монополияга қарши қонунлар қабул қилишдан иборатдир.

Рақобат тўғрисидаги қонунлар иккита, лекин бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган концепцияларга асосланади: бозор ҳукмронлиги ва бозорда устун мавқега эга бўлиш. Амалиётда рақобат сиёсатининг кўпчилик шакллари ёхуд етказиб берувчиларни бозор ҳукмронлигини амалга оширишига тўсқинлик қилиш, ёнки устун мавқега эга бўлган корхоналарни ўз мавқеларини суиистеъмол қилишини тўхтатиб туришига йўналтирилган. Бундай ҳолат бозор ҳукмронлигини амалга ошириш иқтисодий самарадорлик билан бир-бирига тўғри келмаслиги, устун мавқега эга бўлиш эса етказиб берувчига савдо-сотиқ йўлида хусусий тўсиқларни юзага келтиришга, рақобатни чеклашга ва бошқа томонларнинг иқтисодий эркинлиги, фаровонлашуви ҳамда барқарор фаолият кўрсатишига имкон яратади. Бозор ҳукмронлиги иқтисодий бозорларнинг нисбий ҳажми (бозор улуши) ва тузилмасига, яъни ўзаро рақобатлашувчи етказиб берувчилар сонига, савдо-сотиқни амалга оширишда мавжуд бўлган жиддий тўсиқлар, бевосита товар ўрнини босувчининг мавжудили билан изоҳланади. Устун мавқега эга бўлиш етказиб берувчиларнинг аниқ ҳажмига, уни буюртмачилар ва шахсий етказиб берувчилари билан алоқаларига, шунингдек, савдо бўйича ҳамкорларини иқтисодий аҳволини билиш қобилиятига боғлиқдир. Бозор ҳукмронлиги концентрацияси ва самарадорлигига асосланадиган рақобат тўғрисидаги қонунлар истеъмолчилар фаровонлигини кўзлаган ҳолда юзага келади. Аксинча, устунлик концентрациясига асосланган

қонунлар рақобат жараёнини эмас, балки рақобатчиларни ҳимоялаш асносида юзага келиб, шунга хизмат қилади. Савдо-сотиқнинг эркинлашуви самарали рақобат сиёсатини ўзгартиради. Чунки кўпгина ҳолатларда эркин савдо-сотиқ бозорнинг рақобат тузилмасида унчалик аниқ намоён бўлмайди ва бозорда самарали фаолият кўрсатишни рағбатлантирмайди. Шунинг учун рақобат сиёсати ва савдо-сотиқ эркинлашувини муқобил сиёсатга қўшимча сифатида ўрганиш, унинг мазмун-моҳиятини алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Рақобат тўғрисидаги қонун учта соҳага кириб боради: бизнесни амалга ошириш усулига, иқтисодий бозорлар тузилмасига ва хўжалик юритиш усулларига. Ўрганиб чиқилган қонунчиликлар ўртасида ҳаракатланишни ўзининг бозордаги устун мавқеини суиистеъмол қилувчи ёхуд савдо-сотиқни чекловчи, рақобатни сусайтирувчи, ман қилинган шакллари олувчи ўзини тутиш қоидалари мазмунан бир-бирига яқинлиги билан ажралиб туради. Маълум бир ҳолатлардагина рақобатни чекловчи ушбу хатти-ҳаракатлар иқтисодий самарадорликка ҳисса бўлиб қўшилиши мумкин. Рақобат тўғрисидаги қонунлар эса, умуман олганда, рақобат зарари ва самарадорликни ошириш ўртасида балансга эга бўлишга йўналтирилган. Бу борада АҚШ, Германия ва ЕҲ мамлакатларининг рақобат қонунчилиги рақобатга ғов бўлаётган бундай тўсқинликларни бошқа қонунчиликларга нисбатан қатъий стандартлар (андозалар) бўйича баҳолайди. Ваҳоланки, бошқа мамлакатлар, масалан Швеция, Буюк Британияда савдо-сотиққа монеълик қилувчи тўсиқларни тартибга солишнинг мақсадли йўналтирилганлиги (масалан, минтақавий бандлик, тўлов баланси) муносиб баҳоланади.

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги¹⁹ ҳамда 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий

¹⁹ И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик

ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидаги²⁰ талаблардан келиб чиққан ҳолда, монополиялар фаолиятини тартибга солишнинг туб моҳиятини англаш, Ўзбекистонни модернизация қилиш ва янгилашнинг энг муҳим устувор йўналишларини билиш муҳим аҳамият касб этади. Давлатимизнинг иқтисодиётни модернизациялаш, техник ва технологик янгилашдаги саъй-ҳаракати давлат ва жамиятнинг барча соҳаларидаги чуқур ислохотлари билан бевосита боғлиқдир. Мамлакатимиз иқтисодиётига жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини пасайтиришда давлатнинг қонунчилик, ижро этиш ва назорат қилишдан иборат тадбирлар тизими муҳим аҳамият касб этмоқда. Бўлажак мутахассисларнинг глобаллашув шароити талабларига жавоб бера олишлари учун иқтисодий ўзгаришларини тўғри талқин қилишлари ва бу жараёнларни келгусида самарали бошқара олишлари масаласи долзарб ҳисобланади. Яъни, мазкур фан хусусиятлари доирасида монополиялар фаолиятини тартибга солишнинг қоида ва ҳулосаларини пухта ўзлаштириш ҳамда ижодий ёндашувни таъминлаш талаб этилади.

жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Т.: Ўзбекистон, 2010. – 56 б.

²⁰ И.А.Каримов. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз таракқиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади: – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 48 б.

2. Таркибий ўзгаришлар шароитида монополияга қарши бошқарувни такомиллаштириш

Табиий монополияларнинг назарий таърифи иқтисодчилар томонидан камдан-кам ҳолларда мунозараларга тортилади. Амалда эса турли давлатларда тартибга солинадиган корхоналар табиий монополия тармоқларига киради.

Биринчидан, агар табиий монополиялар таърифига қайтадиган бўлсак, мамлакатлар ўртасида турли технологик ривожланиш ва корхонанинг оқилона ҳажмига нисбатан талаб миқдори туфайли табиий монополия белгисига эга бўлган соҳалар, айтайлик, ўтиш даври иқтисодиётига эга бўлган кичик мамлакатлар ва йирик индустриал мамлакатлар ўртасида фарқланиши мумкинлиги аниқ бўлади. Мисол учун, Асакадаги автомобиль заводи Ўзбекистон бозори шароитида табиий монополия белгисига эга, бироқ Ғарб мамлакатларида автомобиль индустриясини юқори рақобатли соҳа сифатида тавсифлаш мумкин.

Иккинчидан, у ёки бу тармоқни табиий монополияларга ҳуқуқий жиҳатдан киритиш Ғарб мамлакатларида қандайдир амалий аҳамият касб этмайди. Табиий монополиялар тўғрисидаги қонунлар ва уларни тартибга солиш бу мамлакатларда мавжуд эмас. Бошқача айтганда, тартибга солиш масаласи амалий нуқтаи назардан муҳим. Табиий монополия белгисига эга бўлган у ёки бу соҳа амалий нуқтаи назардан мазкур соҳани тартибга солиш шакл ва усулларигагина таъсир кўрсатиши мумкин.

Табиий монополиялар белгисини берувчи ва давлат томонидан тартибга солинадиган субъектлар тўғрисидаги маълумотларни тадқиқот ишимизда келтириб ўтганмиз.

Мазкур тармоқлар одатда барча саноати ривожланган мамлакатларда иқтисодий тартибга солинади. Табиий монополия шарт – шароитларининг мавжудлиги бу соҳаларни тартибга солиш учун асосий далилдир. Рўйхатдан кўриниб турибдики, мазкур соҳалар мазмун жиҳатдан иқтисодиётнинг

инфратузилмавий соҳаси ҳисобланади. Тартибга солишга қаршилар учун табиий монополия белгилари мазкур соҳани тартибга солиш учун баҳона ҳисобланади, холос. Ваҳоланки, инфратузилма соҳалари доимо сиёсий мунозараларнинг мавзуси бўлган, деган фикрни илгари сурадилар.

Кенг маънода тартибга солишни давлат органларининг (мамлакат, минтақавий, маҳаллий) бозор иштирокчилари хатти-ҳаракатларини тузатиш мақсадида бозор механизмларининг ишлашига, демак, унинг иш «Бозор нуқсонлари»нинг қуйидаги турлари тартибга солишни иқтисодий асосда киритишни объектив заруриятга айлантиради, деб қабул қилишимиз мумкин.

Бундай вазиятларда ҳам давлат аралашувига йўл қўйилади. Тартибга солиш турли шаклларда олиб борилади. Бевосита ва билвосита тартибга солиш усуллари мавжуд. Бевосита тартибга солиш бозор иштирокчиларига ёки иштирокчилар гуруҳига бевосита қаратилган чора-тадбирлар ёки хатти - ҳаракатларни ўз ичига олади. Айни пайтда бевосита тартибга солиш каби барча реал ва потенциал иштирокчилар учун умумий бўлган иқтисодий ва бозор шароитларига таъсир кўрсатадиган барча жиҳатларни қамраб олади.

Давлат томонидан тартибга солишнинг уч шакли кўпроқ тарқалган:

- таркибий тартибга солиш қандай корхоналарга маълум фаолият турларида иштирок этиш ҳуқуқи берилишини ёки қандай корхоналарга бундай мажбурият юклатилишини билдиради; янги инфратузилмаларни яратишга бўлган эҳтиёжларни белгилайди; тақсимотни юритишга концессиялар (лицензиялар)ни тақсимлайди ва бошқалар.

- хулқ - атворни тартибга солиш (баъзида уни нархли тартибга солиш деб ҳам аташади) тўғридан - тўғри нарх ёки тарифлар белгилаш орқали ёки билвосита - солиқ ва субсидия сиёсати орқали амалга оширилади. Нархлар ҳам рақобат тўғрисидаги қонунлар орқали тартибга солиниши мумкин бўлиб, улар монопол ёки олигопол ҳокимият амал қилишини бартараф этади.

Умуман, тартибга солишнинг мазкур шакли давлат томонидан фирма хатти-ҳаракати устидан назорат қилиш учун кўриладиган чораларни ўз ичига

олади. Ижтимоий сиёсат, атроф - муҳит муҳофазаси, хавфсизлик кабимасалалар бозор орқали тўғридан - тўғри ўз ечимини топа олмайди, бунда стандартлар тизими орқали тартибга солишдан фойдаланилади.

1980 йилларнинг бошларига қадар нархли тартибга солиш тизими ҳукмронлик қилди. Унга кўра, нархлар вертикал занжир бўйича ишлаб чиқарувчи нархидан бошлаб, пировард истеъмолчи нархигача тартибга солинади. Улар асосли харажатларни қоплаш учун зарур бўлган даражадан ошиб кетмаслиги лозим. Бунда янги қувватларни қуриш ва кенгайтириш масалалари марказлашган тарзда ҳал этилади. Табиий монополияларни тартибга солиш шакллари уларнинг мақсадидан келиб чиқиб, қуйидагича туркумлаш мумкин:

Табиий монополиялар давлат томонидан махсус тартибга солишга муҳтожлик сезади. Уларда давлат маъмурий усуллар билан иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида эса «табиий» йўл билан - рақобат механизми таъсирида уларнинг ҳиссаси нуқтаи назаридан мажбурий равишда жамият фаровонлиги борасидаги кўзланган натижаларга эришади.

Шундай қилиб, антимонопол органларни яратиш табиий монополияларни тартибга солиш органларининг шакллантирилиши билан мос келади. Ривожланаётган ва ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатларининг кўпчилиги (амалда собиқ совет маконидаги барча мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам) бу икки органларнинг вазифаларини биттада, кўп ҳолларда давлат органида бирлаштиришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисобладилар. Иқтисодчилар бунини ушбу мамлакатларда табиий монополиялар фаолиятини тартибга солиш бўйича малакали кадрлар ва тажрибанинг етишмаслиги билан ҳамда антимонопол тартибга солиш орқали масалаларининг қисман такрорланиши билан изоҳлайдилар. Айниқса, бу табиий монополия субъекти томонидан етакчилик мавқеидан (ёки монопол ҳокимиятидан) ёмонлик мақсадида фойдаланишга тегишлидир. Айрим моделлар, мисол учун, антимонопол

органлар ва табиий монополиялар соҳаларидаги тартибга солувчи орган ўртасида компетентлик соҳасини пухта чеклай олдилар. Одатда биринчисининг ваколатига монополь ҳокимиятдан ёмонлик йўлида фойдаланишга йўл қўймаслик бўйича масалалар кирса (бу вазифаларнинг мумкин бўлган такрорланиши билан бирга), тартибга солишлик компетенциясига эса нарх белгилаш масалалари киради. Тартибга солинадиган табиий монополияларга нисбатан янги сиёсат натижасида дунёда пайдо бўлган барча моделлар ўзининг қонунчилик асосига эга. МДХ давлатлари ва айрим ривожланаётган мамлакатларда тартибга солинадиган табиий монополияларнинг барча соҳаларида тартиб-қоида ва меъёрларни белгилайдиган алоҳида қонунларни қабул қилиш лозим деб ҳисоблайдилар.

Шундай қилиб, табиий монополияларни тартибга солишнинг у ёки бошқа моделининг ўзаро фарқланадиган тизим унсурларини кўриб чиқдик. Табиий монополияларни тартибга солиш учун турли воситалардан фойдаланиш мумкин бўлиб, улар шартли равишда қуйидаги уч гуруҳга бўлинади:

1. Табиий монополия субъектлари маҳсулотларига бевосита нарх ватариф белгилаш.

2. Даромадлилик ва нархлар ўсишининг чекланган миқдорини белгилаш орқали нарх ва тарифларни билвосита тартибга солиш.

3. Табиий монополия шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳуқуқларини бериш учун рақобат механизмларидан фойдаланиш.

Табиий монополиялар маҳсулотига тўғридан - тўғри нарх белгилаш. Бу усул нархли тартибга солишнинг анъанавий ва кенг қўлланиладиган усулларида бири ҳисобланади. Мазкур усулда тартибга солувчи товар ва хизматларга улар монополист – корхона рақобатли бозорда таяниши мумкин бўлган ҳолатлардагина ўринли бўладиган нархларни белгилайди. Бундай нарх товарлар ва хизматларни иқтисодий жиҳатдан самарали ҳажмда ишлаб чиқаришни ва максимал даражада мумкин бўлган миқдорда истеъмол қилиш

(таклиф)ни кафолатлайди. Мазкур нарх, албатта, инвестицион харажатларни коплаши ва капитал оқиб кетишидан бизнесни сақлаши мумкин бўлган меъёрий фойдани ўз ичига олиши керак. Шундай қилиб, нарх белгилаш тартибга солувчи танлаб оладиган харажатлар плус фойда меъёри тўғрисидаги бухгалтерия ҳисоботида асосланади. Бу усулшундай нархларни ўрнатиш мақсадини кўзлайдики, улар:

- маҳсулотни иқтисодий жиҳатдан самарали ҳажмда ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишни кафолатласин, бунга ривожланган рақобат шароитида эришиши мумкин;

- корхоналарнинг ўз - ўзини молиялаштиришини таъминласин.

Табиий монополия маҳсулотига бевосита нарх белгилаш қуйидаги афзалликларга эга: биринчидан, бундай тартибга солиш натижасида товарлар ва хизматларга маълум ва етарли даражада барқарор нарх белгиланади, бу истеъмолчилар учун қулайдир; иккинчидан, тартибга солувчи монополист–корхона молиявий аҳволи ва бухгалтерия фаолияти тўғрисида тўлиқ маълумот олади. Ва ниҳоят, тартибга солувчи монополист нархи устидан тўла назорат қила олмайди.

Даромадлилик меъёрларини тартибга солиш. Кўплаб мамлакатларда (хусусан, АҚШ ва Буюк Британияда) инвестицияланган капиталнинг даромадлилик меъёрларини белгилаш орқали табиий монополиялар нархини билвосита тартибга солиш тартиби тарқалган.

Тартибга солишнинг мазкур усулининг камчиликларини тўлиқроқ кўриб чиқамиз. Даромадлилик меъёри тартибга солувчи орган томонидан инвестицияланган капитал миқдорига нисбатан қўлланилади. Шу билан боғлиқ равишда активларни бозор ёки бухгалтерия (дастлабки) қиймати бўйича баҳолаш сингари масала юзага келади. Даромадлилик меъёрини тартибга солиш корхонанинг нархларни фақат харажатлар ошгандагина ўстиришини ва мос равишда, капиталдан илгариги даромадлиликни олиш учун юқориқ тушум талаб қилинишини кўзда тутати. Ҳатто

инвестицияланган капитал миқдори ва харажатлар даражасини баҳолаш билан боғлиқ қийинчиликларга йўл қўйилганда ҳам, табиий монополистларни даромадлилик меъёрини қайд этиш йўли билан тартибга солиш маълум камчиликларга эга, яъни корхоналарни ўз иши самарадорлигини ошириш учун рағбатлантирмайди, чунки харажатлар ошганда, нархлар кўтарилиши мумкин.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистонда табиий монополияларни тартибга солиш соҳаларига бевосита қайд қилинган нархлар қўлланилади, табиий монополияларга алоқаси бўлмаган монополист – корхоналарга нисбатан эса рентабеллик даражасини тартибга солишдан фойдаланиш мумкин.

Нархларни ошириш чегарасини тартибга солиш. Табиий монополиялар фаолиятини нархли тартибга солишнинг барча воситаларига қараганда, нарх шапкасини тартибга солиш энг «ёш» ва тез тарқалган тартибга солиш усули ҳисобланади. Бу усул Буюк Британияда телекоммуникация соҳасида реструктуризациялаш, хусусийлаштириш ва янги тартибга солиш моделини шакллантириш жараёнида пайдо бўлган. Ушбу усул профессор Литтлчайлд томонидан 1983 йилда ҳукуматнинг «British Telecom» хусусийлаштирилгандан кейин телекоммуникация соҳасини тартибга солиш тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш илтимосига жавобан таклиф этилган²¹. Тартибга солиш янги моделининг мақсади қуйидаги шартларга риоя этишдан иборат:

- истеъмолчиларни монопол ҳокимиятдан ёмонлик йўлида фойдаланишдан ҳимоя қилиш;
- монополистни самарали фаолият кўрсатишга рағбатлантириш;
- хусусийлаштирилган бизнеснинг истиқболлигини таъминлаш;
- тартибга солиш бўйича муаммоларни камайтириш;

²¹Littlechild S. The Regulation of British Telecommunications Profitability, Department of Trade and Industry: London, 1999.p 18.

- рақобатнинг ривожланишини рағбатлантириш;
- хусусийлаштиришдан бюджет дараомадларини кўпайтириш.

Бу шартларнинг бири бошқасига қарама – қарши бўлишига қарамай, Литтлчайлд тартибга солишнинг янги воситасини қабул қилишни энг оқилона қарор, деб ҳисоблади. Бу восита кейинчалик нарх шапқасини тартибга солиш номини олди. Нархларнинг нисбий ўсиш чегараси қуйидаги кўринишга эга бўлди:

$$\Delta P = \Delta PR - X, \quad (1.1)$$

бу ерда, ΔP - нархларнинг нисбий ўсиш чегараси;

ΔPR – чакана нархлар ўсиши;

X – тартибга солиш органи томонидан режалаштирилган нархларнинг нисбий ўсишининг реал ифодаси.

Бу ёндашув муаллифларининг фикрича, кўрсатилган формула реалифодаланган нархлар ўсишидан истеъмолчиларни ҳимоялашни таъминлаши, корхонани иш самарадорлигини ўстириш ва харажатларни камайтиришга рағбатлантириши керак бўлган. Ваҳоланки, харажатлар қанчалик паст бўлса, фойда шунчалик юқори бўлади. Бундан ташқари, бу формула бўйичанархларни тартибга солиш даромадлилик меъёрининг чекланишига қараганда анча осонлашади, чунки у харажатлар ва инвестицияланган капитал миқдорини баҳолашни талаб қилмайди.

Литтлчайлд нархларни ўстириш чегарасини вақт ўлчовида киритишни зарур, деб ҳисоблайди, мазкур вақт тармоқда рақобат вужудга келгунга қадар амал қилади (дастлаб «British Telecom» учун бу муддат 3 йилга белгиланди). Аммо «British Telecom» ўзининг етакчилик мавқеини сақлаб қолар ва рақобат етарли бўлмас экан, қайта кўриб чиқиш X кўрсаткичи миқдорининг ўзгаришига олиб келди²².

²²Littlechild S. The Regulation of British Telecommunications Profitability, Department of Trade and Industry: London., 1999. p 18.

1986 йилда хусусийлаштирилган «British Gas» корхонаси нархларнинг ўсиш чегаралари белгиланган иккинчи корхона бўлди. Бунинг натижасида нархларнинг ўсиш чегарасини ҳисоблаш формуласи бирмунча тузатилди:

$$\Delta P = \Delta PR - X + \Delta C \quad (1.2)$$

бу ерда, X – унумдорликнинг кутилаётган ўсиши («British Gas» учун у йилига 2 фоиз даражасида белгиланди);

ΔC – газни қазиб олиш ва қайта ишлаш қийматининг ўзгариши. Асосий тафовут шундаки, истеъмолчиларнинг ўзлари улгуржи нархларнинг ўсишига тўсқинлик қилдилар ёки қазиб олиш ва қайта ишлаш таннархининг пасайишидан фойда кўрдилар (бир неча йилдан кейин қазиб олиш таннархи қисқарди ва истеъмолчилар ютиб чиқдилар).

Қуйида нарх шапкасини тартибга солишнинг иккита афзаллигикелтирилган:

- ҳисоблашнинг соддалиги – формула бухгалтерия ҳисоботларини ва хизматлар таннархининг калькуляциясини йириклаштирилган ўрганишни талаб қилмайди. Нарх шапкаси мавжуд тарифлар даражасига бор – йўғи иккита кўрсаткич – нархлар индексини ва X – омилидан фойдаланиб кўйилади (адолатлилик юзасидан таъкидлаш жоизки, амалиётда X – омилини танлаш ҳам нархлар ўсишининг ўхшаш индексини танлашга тенг равишда маълум қийинчиликларга дуч келмоқда). Шундай қилиб, бу формула монополистнинг фаолиятини ҳам енгиллаштиради.

- самарадорликни ошириш ва тарифларни пасайтиришга рағбатлантириш. Формула бир йилдан ортиқ муддатга аниқланар экан, корхона харажатларни пасайтириш натижасида оладиган ҳар қандай фойдаси (хизматлар сифати бузилмаган шароитда) унинг тасарруфида қолади. Бу корхонани маҳсулот бирлигига харажатларни камайтириш воситасида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ундайди. Агар тартибга солувчи формуланинг амал қилиш муддати тугаши билан монополист харажатларини

янада пасайтириши мумкин бўлади, деб ҳисобласа, формулани кейинги қайта кўриб чиқишда X – омили ўсади.

Мавжуд афзалликларга қарамай, нарх шапкасини тартибга солиш идеал эмас²³, бу тартибга солиш усулида ҳам камчиликлар бор. Уларнинг асосийси – тармоқ инвестицион жозибadorлигининг пасайишидир. Кўпчилик нархшапкасини монополистлар учун жуда қулай даражада белгиланганлиги учун танқид қилдилар.

Табиий монополиялар шароитидаги рақобат асосида ишлаб чиқаришга ҳуқуқларни ўтказиш. Монополизм унсури табиий монополия соҳаларида технологик ва иқтисодий кўрсаткичлар бўйича муқаррар бўлишига қарамай, иқтисодчилар томонидан рақобат унсурини табиий монополия негизига жорий этишга эришилди. Мазкур усул вақтинчалик эгалик қилиш ва концессия, деб аталган тармоқ бошқаруви бўйича монополист бўлиш ҳуқуқи учун рақобатни кўзда тутди (музокаралар ватендер савдолари орқали).

Тартибга солишнинг ушбу усули албатта, бошқа усуллар каби бозор рақобатидаги сингари самарадорликни таъминлаш ҳолатида бўлмасада, уларнинг кўплаб камчиликларидан ҳолидир²⁴.

Юқорида таъкидлаб ўтилган фикр-мулоҳазаларга таянган ҳолда, Ўзбекистонда табиий монополиялар фаолиятини бошқариш ва тартибга солиш борасидаги ўз ечимини кутаётган масалалар бўйича хулоса қиладиган бўлсак, бу – табиий монополистлар маҳсулотига тўғридан - тўғри нарх белгилаш усули, бугунги кунда бозор иқтисодиётига кўпроқ мос бўлган бошқа усулларни секин - аста ўзгартириб боришни тақозо қилмоқда. Булар: нархларнинг ўсиш чегарасини тартибга солиш, танлов асосида ишлаб чиқариш ҳуқуқини бериш кабилардир.

Бундан ташқари, табиий монополиялар соҳаларига кирадиган фаолият

²³Helm D.R. and Jenkinson T.J. (1997). The Assessment : introducing competition into regulated industries. OxfordReview of Economic Policy, Vol. 13, no. 1, pp. 1-14.

²⁴Улашов Б. Методы регулирования естественных монополий. //Экономическое обозрение. № 5. 2004. май. 60 с.

турларини пухта аниқлаш жуда муҳим. Шунинг таъкидлаш жоизки, газ саноати, электр - энергияси, темир йўл транспорти ва алоқа каби соҳалардаги хўжалик фаолияти турларининг фақат бир қисми табиий монополияга киради ва давлат томонидан тартибга солиниши лозим. Улар фаолиятининг қолган турлари рақобат шароитларида потенциал самарали амал қилишлари мумкин. Демак, рақобат муҳитини яратиш ўзига хос таркибий ўзгаришларни олиб боришни талаб қилади.

ХУЛОСА

Корхона истикболини белгилашда ўзгариб бораётган иқтисодий-ижтимоий муҳит талабларига мослашиш тобора тадбиркорлик илмининг асосий амалий муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Истикболий ўзгаришларни имкон борича юқори аниқликда сеза билиш, рақобат курашида самарали услублардан ва шакллардан фойдаланиш борасидаги назарий изланишларга тез орада ривожланаётган корхона-ташкилотларнинг амалий тажрибасига айланмоқда.

Республикамиз корхона ва ташкилотларининг жаҳон бозорларида ўз ўрниларини топишларида, ривожланган корхоналар тажрибаларини ўрганишлари уларнинг стратегик ва тактик тадбирларини кузатишлари зарур бўлади. Чунки, хорижий фирмалар билан иқтисодий, илмий ҳамкорлик соҳаларини белгилашда, «манфаатлар яқдиллиги»ни таъминлашда, ҳар бир тадбиркор ва ташкилот ўзининг мақсадларининг узоқ ва қисқа муддатли стратегиясини, сиёсатини аниқ белгилаб олиши лозим.

Давлатимиз раҳбари Ислом Абдуғаниевич Каримов, Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоқларини таҳлил қилар экан, “Республика энергетика мустақиллигига эришган тақдирдагина тўлиқ мустақил бўлади”, - деган эдилар. Таркибий ўзгаришлар шароитида монополияга қарши бошқарув муаммолари ва уни бартараф этиш йўллари шароитида “Ўзбекэнерго” ДАК фаолияти таҳлил қилинар экан, унинг фаолиятини такомиллаштириш учун корхонанинг ўз мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда қуйидагича хулосаларни келтириб ўтишимиз мумкин:

- иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, электр энергия бозорини шакллантириш ва ривожлантириш;
- республика иқтисодиётини ва аҳолисини сифатли электр энергияси билан ишончли таъминлаш;

- энергетик корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш, уларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;
- энергетик ишлаб чиқаришнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш;
- Марказий Осиё Бирлашган энергетика тизими доирасида интеграцион жараёнларни янада ривожлантириш

Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан, етакчи стратегик тармоқлар корхоналарининг устав фондида давлат улушини кескин қисқартириш, хусусий мулкчиликнинг мамлакат иқтисодиётининг тараққиётидаги ролини ошириш, шунингдек корхоналарга тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида, 2007 йил 20 июлда “2007-2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-672 сонли Қарор қабул қилинди ва унда янгиланган хусусийлаштириш дастури тасдиқланди.

Ушбу Қарорнинг энг муҳим принципиал қоидалари қуйидаги масалаларни ҳал қилишдан иборатдир:

- инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятлари сифатида киритиладиган маблағлар ва мулк даромад (фойда), ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудни ободонлаштириш қўшилган қиймат солиқларига тортилмайди, хорижий валютада киритиладиган ҳисса эса – мажбурий тарзда сотилмайди;

- инвестиция даври мобайнида инвесторлар киритган инвестициялар хусусийлаштирилган корхонанинг олдинги қарзини қоплаш ҳисоб рақамига мажбурий тарзда ундириб олинмайди, инвестиция мажбуриятлари юкланган ҳолда потенциал инвесторларга сотилаётган корхоналарнинг бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзлари олди-сотди шартномасида белгиланган инвестиция даврида реструктуризация қилиниши мумкин. Шу билан бир вақтда корхоналарни хусусийлаштириш чоғида

олинган мажбуриятларни бажариш учун инвесторларнинг масъулиятини оширишга қаратилган нормалар тутилади.

Корхонада ижтимоий ҳаётини яхшилаш, уни янада ривожлантириш ва фаровонлигини оширишга катта эътибор қаратилган.

Мазкур магистрлик диссертацияси таркибий ўзгаришлар шароитида монополияга қарши бошқарув, хусусан, “Ўзбекэнерго” ДАКнинг бошқарув стратегияси, инвестицион барқарорлиги ва иқтисодий фаолияти таҳлиliga тааллуқли бўлган умумий кўринишдаги назарий муаммоларни очиб беришга, рақобат муҳити таҳлили жараёнида муҳим ўрин эгаллаган услублар хусусидаги кўникмани ҳосил қилишга қаратилган эди.

Магистрлик диссертацияси мавзусини ўрганиш жараёнида қуйидагича тақлифларни келтириб ўтадим:

1. “Ўзбекэнерго” ДАК фаолияти мисолида монополияга қарши бошқарувнинг иқтисодий мазмуни, амал қилиш хусусиятлари ва тартибга солиш муаммоларини тадқиқ қилишга бағишланган илмий тадқиқотлар етарли эмас. Шу боисдан табиий монополиялар фаолиятини тартибга солиш ва бошқариш орқали иқтисодиётда рақобат муҳитини кучайтириш масалаларини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳамда бу борадаги муаммоларни ҳал этишга қаратилган илмий-амалий тадбирларни ишлаб чиқиш лозим;

2. Ҳозирги шароитда миллий иқтисодиётда фаолият кўрсатиш тартиби бутун иқтисодиёт самарадорлигини оширишга қаратилган монополияга қарши бошқарувни тартибга солиш механизмларини асослашнинг муҳимлиги билан белгиланади. Шу маънода тадқиқот объектининг рақобатдошликни янада батафсилроқ таҳлил қилиш, унинг келгуси стратегиясини ишлаб чиқиш лозим.

3. Бундан ташқари, корхона ички ва ташқи манфаатларни мувофиқлаштириш вазифаларини ҳал этмоғи лозим. Ташқи муҳит талабларининг ўзгариши ва унга мослашишда ижобий ва салбий фавқулодда ҳолатлар билан бир қаторда имкониятлар ва чекланишлар юзага келади.

Уларнинг корхона мақсади, стратегияси, салоҳияти ва ривожланишига таъсирини ўз вақтида англамоқ ва аниқлай олмоқ мақсадга мувофиқдир.

4. Таркибий ўзгаришлар шароитида “монополияга қарши курашув ҳаракатларини амалга ошириш” ибораси ўрнига “монополияга қарши бошқарувни тартибга солиш жараёни” иборасини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Ривожланган мамлакатларнинг аксариятида мазкур таклифни жорий этиш жараёнлари бошланган;

5. Таркибий ўзгаришлар шароитида монополияга қарши бошқарувнинг давлат томонидан тартибга солиш учун монопол корхоналарга ёрдам сифатида Монопол қўмиталар таркибида тушунтириш ишлари олиб борувчи бўлимларни ташкил этиш таклиф этилади;

6. Таркибий ўзгаришлар шароитида шарқий мамлакатларда юз бераётган рақобат жараёнини атрофлича ўрганиб, таҳлил қилиб ва тартибга солган ҳолда фойдаланиш лозим;

7. Монополияга қарши сиёсатни янада такомиллаштириш, рақобатни ривожлантириш ҳамда хусусий мулкчилик объектларини давлат томонидан кафолатлаш тизимини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари

1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон. 2010.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекэнерго” давлат акциядорлик корхонаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” 2001 йил 24 февралдаги 93-сонли ва 2004 йил 21 июндаги 290-сонли қарор.

1.3. Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги қонуни. 2011 йил 14 ноябрь.

1.4. Ўзбекистон Республикаси “Табиий монополиялар тўғрисида”ги Қонун. –Тошкент, Шарқ. 2007 йил.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари

2.1. “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашнинг рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ 3589 - сон Фармони. 2007 йил 15 март.

2.2. «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4058-сонли Фармони. 2008 йил 28 ноябрь.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-

қувватлаш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида” ги қарори // №ПҚ-66, 2005 йил 2 май.

2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида” ги қарори // №ПҚ-66, 2005 йил 2 май.

2.5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги қарори // №-300, 2000 йил 2 август.

2.6. Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // Халқ сўзи. – 2005 йил 16 июнь.

2.7. Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3706-сон Фармони // Халқ сўзи. – 2006 йил 23 март.

2.8. Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ва кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // Халқ сўзи. – 2008 йил 20 февраль.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари ва маърузалари

3.1. Каримов И. А. Олий мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини

ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь. 1-бет.

3.2 Каримов И. А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. // Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” газетаси, 16 сон, 2011 йил 22 январь. 3-бет.

3.3. Каримов. И. А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь. 1-бет

3.4. Каримов И. А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. - Т.: Ўзбекистон, 2008. -368 б.

3.5. Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш - бизнинг олий мақсадимиз. Т. 17. - Т.: Ўзбекистон, 2009.-280 б.

IV. Асосий адабиётлар

4.1. Алимов И.И. Молия. Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2007, 108 б.

4.2. Иохин В.Я. Экономическая теория: Учебник/ В.Я.Иохин.-М.: Экономистъ. 2005, с. 435-436.

4.3. Бланд М. Финансовый кризис. – М.: АСТ-Астрил-Харвист. 2008. - 288 с.

4.4. Наука о деньгах, кредите и банках: Эволюция и современность: Сборник научных трудов. В 2-х ч. Ч. 1. М.: Финакадемия, 2009. 132 с.

4.5. Наука о деньгах, кредите и банках: Эволюция и современность: Сборник научных трудов. В 2-х ч. Ч. 2. М.: Финакадемия, 2009. 108 с.

4.6. Сфера услуг: экономика, менеджмент, маркетинг. Практикум: учебное пособие / кол авторов; под ред. Т.Д. Бурменко. – М.: КНОРУС, 2010. – 424 с.

4.7. Программа мер по нейтрализации последствий мирового кризиса – в действии. // Бизнес-вестник Востока. № 12, от 19 февраля 2009 г.

V. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва манбалар

5.1. “Ўзбекэнерго” ДАК нинг 2008-2012 йил маълумотлари

5.2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси 2008-2012 йил маълумотлари.

5.3. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2008-2012 йил маълумотлари.

5.4. Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг 2008-2012 йил маълумотлари.

VI. Интернет ресурслари

6.1. <http://www.uzbekenergo.uz/> – “Ўзбекэнерго” ДАК расмий сайти.

6.2. <http://www.stat.uz/> – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси расмий сайти.

6.3. <http://www.uzpsb.uz/>

6.4. <http://www.pravo.vsem.uz/>

6.5. <http://www.lex.uz/>